

## ЎЗ БИЛИМИНГ БИЛАН ҲАҚИҚАТГА КИР!

Мактабдаги дарсларни астойдил ўзлаштиришга ҳаракат қилган ўқувчилар олий ўқув юр்தларига, коллеж ва лицейларга кириш имтиҳонлари олдидан тушкунликка тушиб қоладилар-да, ота-оналарининг ҳамёнига ёпишадилар. Натижада уларни ҳам ташвишга қолдиришлари муқаррар.

8  
бет

## ҲАВОЙИ ВАЪДА...

Назарали шерикларини Қозогистонга олиб ўтиб, Абайнинг қўлига топширади. Бироқ, дастлабки кунларда оқ йўллар алданишганини ҳис этдилар. Бу ерда ҳеч қандай шароит йўқ, ишлар меҳнат қонунчилигига зид, оғир шароитда борарди...

10  
бет

Mustaqillik huquq demakdir

# Ишқид



1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan

www.huquq-gazeta.uz

2014-yil 22-may, №21 (906)

Бош прокуратурада

## Гендер тенглик масаласига бағишланди

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда "Гендер тенглик ва аёлларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш масалалари" мавзусида илмий-амалий конференция ўтказилди.

Тадбирда Бош прокуратура ҳамда Тошкент шаҳар ва вилояти прокуратуралари ходимлари, парламент аъзолари, тегишли вазирлик ва идоралар масъул ходимлари, жамоат ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари, Бош прокуратуранинг Олий ўқув курслари, Тошкент Давлат юридик университети ҳамда бошқа олий ўқув юр்தлари профессор-ўқитувчилари, талабалари ва тингловчилари, шунингдек, кенг жамоатчилик ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Анжуманда таъкидланганидек, бугунги кунда республикада хотин-қизлар ҳуқуқини таъминлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш учун мустаҳкам ҳуқуқий негиз яратилиб, уларнинг оиладаги ўрнини, шу жумладан, жамият ва давлат бошқаруви ҳамда халқаро алоқаларда фаол иштирокини таъминлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бу борада Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган давлат дастурлари асосида хотин-қизларнинг соғлом турмуш тарзини таъминлашга оид бир қатор вазифалар ижро этилмоқда.

Конференцияда мамлакатимизда хотин-қизларнинг гендер тенглигини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилган ишлар ҳусусида сўз юритилди, шу

билан бирга, келгусида амалга оширилиши лозим бўлган долзарб вазифалар муҳофама этилди. Шунингдек, хотин-қизларнинг гендер тенглигини таъминлашга оид қонунлар ижроси назорати натижасида аниқланган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва бартараф этишга доир масалалар кўриб чиқилди.

Тадбир иштирокчилари аёлларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш масалаларига алоҳида тўхталиб, бу соҳада ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ва кенг жамоатчиликнинг ҳамкорлигидаги фаолият самарадорлигини ошириш зарурлигини қайд этишди.

Шу билан бирга, қизларнинг эрта турмушга чиқиши, унинг салбий оқибатлари ҳусусида сўз юритилиб, бундай ҳолатларнинг олдини олиш ҳамда хотин-қизларнинг гендер тенглигини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқий маданиятини янада юксалтиришга доир жамоатчилик олдида турган муҳим вазифалар белгилаб олинди.

Конференцияда муҳофама қилинган масала бўйича тақдир ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Бош прокуратура Матбуот хизмати

## Парвозга шайланар, орзулар бу кун

Яна бир неча кунлардан кейин юртимиздаги таълим муассасаларида яна бир ўқув йили тугаб, "Сўнгги кўнгирик" чалинади. Шунинг учун айни кунларда республика миқдарида умумтаълим мактаблари битирувчилари қалбидан ўзгача ҳис ҳаяжон. Чунки, улар қадраон мактаблари билан хайрлашиб, катта ҳаётга қалам кўядилар.



Маълумки, мактабни тугалаш арафасида турган ёшларимиз касб-хунар эгаллаш мақсадида янги замонавий билим масканлари бўлган касб-хунар коллежлари, академик лицейларга ўқишга йўл олади.

Зеро, ҳар бир инсон хотирасида мактабда олинган билим ва кўникма, биринчи

ўқитувчининг тарбияси бир умр сақланиши табиий. Шу боис ҳам, мактаб остонасига илк бора қадам кўйган боланинг қўлига қалам тутқазиб, ёзишни, ўқишни ўргатган, қоғоз каби оппоқ қалбларга ҳаётий битикларни битган устозлар қадри ҳамisha сарбанд бўлиб қолаверади.

Бугун не-не орзу-умидлар

оғушида қадрдон мактаб билан хайрлашаётган азиз битирувчилар, катта ҳаёт сари кўяётган қадамнингиз кутлуг бўлсин. Бундан кейинги ҳар илшингиз, сўз-амалларингиз ва эзгу-режаларингиз Ватан икболи, эл саодатига хизмат қилсин!

Ўз мухбиримиз

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

## Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2014 йил 2 апрелда қабул қилинган  
Сенат томонидан 2014 йил 10 апрелда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 13 январда қабул қилинган «Алоқа тўғрисида»ги 512-ХII-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгагининг Ахборотномаси, 1992 йил, № 3, 159-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 3, 38-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда) **5-моддасига** қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

**биринчи қисмдаги** «(Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги) томонидан» деган сўзлар «(Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси) томонидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**иккинчи қисмдаги** «Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**учинчи қисмдаги** «Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигига» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги 734-ХII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 майда қабул қилинган 78-II-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, № 5-6, 149-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда, № 10, 536-модда; 2007 йил, № 9, 417-модда; 2009 йил, № 9, 330-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **5-модданинг:**

**бешинчи қисми:**

**биринчи хатбошисидagi** «очик турдаги» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**иккинчи хатбошисидagi** «акциядори» деган сўз чиқариб ташлансин;

**саккизинчи қисмидagi** «акциядори» деган сўз чиқариб ташлансин;

2) **16-модда биринчи қисми олтинчи хатбошисининг:**

**«а» банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«а) мазкур аудиторлик ташкилотининг мулкдорлари, қатнашчилари, кредиторлари, суғурталовчилари бўлган ҳўжалик юритувчи субъектларга нисбатан, шунингдек ушбу аудиторлик ташкилотлари ва аудиторлар уларга нисбатан мулкдорлар, қатнашчилар, акциядорлар бўлган ҳўжалик юритувчи субъектларга нисбатан»;

**«б» бандидagi** «ушбу аудиторлик ташкилотининг мулкдори, қатнашчиси, акциядори» деган сўзлар «ушбу аудиторлик ташкилотининг мулкдори, қатнашчиси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

/Давоми 4-5-6-7-бетларда/

Мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнес ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани туфайли хусусий сектор жадал ривожланмоқда. Президентимизнинг тadbиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга қаратилган бир қатор фармон ва қарорлари уларнинг эмин-эркин фаолият юритишлари учун дастуриламал бўлди. Tadbиркор ва ишбилармонларнинг аксарияти қонун билан кафолатланган ҳуқуқ ва имкониятларидан унумли фойдаланиб, бозорларимизни тури-туман маҳсулотларга тўлаирмоқдалар.

## Tadbирлар самараси

**М**ингбулоқ туман прокуратураси томонидан тadbиркорлик фаолиятига доир қонун ҳужжатлари ижроси бўйича соҳа вакилларини қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқий химоя қилиш, уларнинг фаолиятига ноқонуний аралашувларнинг олдини олиш, турли тўсиқ ва суистеъмомчиликларга барҳам беришга алоҳида эътибор қилди. Президентимизнинг 2005 йил 14 июндаги "Tadbиркорлик субъектларини ҳуқуқий химоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-tadbирлари тўғрисида"ги Фармони талаблари ижроси ҳам назоратга олинган.

Туман прокуратурасининг ташаббуси билан маъмур йўналишида тузилган худудий графика асосан, туман ҳокимлиги ва соҳага дахлдор мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда тижорат банклари ходимлари ҳамда тadbиркорлар иштирокида 2013 йил давомида 22 марта, 2014 йилнинг биринчи чорагида 4 марта учрашувлар ўтказилди.

Ушбу тadbирларда ҳукумати томонидан тadbиркорлик субъектлари раванга йўлида қабул қилинаётган меъёрий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти, уларга берилётган имтиёзлар хусусида маълумотлар берилмоқда. Шу билан бирга, соҳага доир муаммолар ҳам муҳокама этилмоқда. Жумладан, прокуратуранинг аралашуви билан 2 нафар тadbиркорга 10,0 млн. сўмлик кредит олишда, 1 нафар фермер ҳўжаллигида 43,5 гектар ер майдони ажратилишида, 3 нафар тadbиркорга ҳужжатларни расмийлаштириш масаласида амалий ёрдам берилгани, 54 нафарига келгусида ўз фаолиятини ривожлантириш хусусида ҳуқуқий маслаҳатлар берилгани ана шу тadbирлар самарасидир.

Туман прокуратурасида ташкил этилган ишонч телефони-га жорий йилнинг 3 ойда 3 нафар тadbиркор мурожаат этган бўлиб, уларнинг мурожаатлари ўрнида ҳал этилди ҳамда амалий ёрдам кўрсатилди. Жумладан, тумандаги "Мингбулоқ юккаси" фермер ҳўжалиги иш юритувчиси Адхамжон Тошкенов "Тўрақўрғон нефт база" унитар корхонасида 2014 йил галла ҳосили агротехник тadbирлари, яъни минерал ўғитлар билан озиклантириш учун дизель ёқилгиси олиш мақсадида январь ойида 1 млн. 400 минг сўм тўловни амалга оширгани, бироқ маҳсулот етказиб берилмаётгани юзасидан мурожаат этган.

Ҳолат ўрганилганда, иш юритувчининг эътирози тўғрисида бўлиб чиқди ва фермер ҳўжа-

Кодирхон АСҚАРОВ,  
Мингбулоқ туман прокурори

лигига корхонанинг "Гигант" фермерларга ёқилги тарқатиш шохобчаси орқали 300 кг (355 литр) дизель ёқилги берилиши таъминланди.

Шунингдек, тумандаги "Муҳаммад Саид Акмал" фермер ҳўжалиги раҳбари Собир Яминов 2014 йил 15 мартда ишонч телефонида кўнғироқ қилиб, фермер ҳўжалигига тегишли ҳайдов трактори учун катта шина сотиб олиш мақсадида банкдан кредит олишда амалий ёрдам сўради. Мурожаат ўрганиб чиқилди ҳамда прокуратуранинг аралашуви билан "Агробанк"нинг Жомашуй филиалидан 3000,0 минг сўм кредит ажратилишига эришилди.

Бугун аҳолининг турмуш даражасини ошириш, уларни иш билан таъминлаш энг устувор вазифалардан бири бўлиб турибди. Бу йўналиш прокуратура органларининг ҳам эътиборида бўлиб, туман прокуратурасининг кўмаги билан ўтган йилда 44 та тadbиркорлик субъектлари янгидан фаолият бошлаб, уларда 52 та янги иш ўрни яратилди. Шунингдек, 6 та тadbиркорлик субъектларининг фаолияти қайтадан тикланишига эришилди. Натижада яна 7 та янги иш ўрни ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида бўлиб ўтган кенгайтирилган ҳайъат мажлисида Ўртбошимиз томонидан прокуратура органларига берилган топшириқдан келиб чиққан ҳолда кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган қонун ҳужжатлари талабларининг аниқ ва сўзсиз ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилиб, тadbиркорлик субъектларининг ҳуқуқий химоясини янада кучайтириш лозимлиги таъкидланди. Кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик субъектларининг молия-ҳўжалик фаолиятига ҳар қандай ноқонуний аралашув иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича давлат дастурлари талабларига зид хатти-ҳаракат сифатида баҳоланиб, қоидабузарларга нисбатан қонунда белги-ланган жавобгарлик чоралари қўлланилиши, тadbиркорларга амалий ёрдам кўрсатиш, муаммоларини қонун доирасида ҳал этиш бора-бора прокурорлик назоратини изчиллик билан давом эттириш ҳақида аниқ кўрсатмалар берилди.

Юқоридаги вазифалардан келиб чиқиб, соҳага оид муаммоларни бартараф этиш, тadbиркорликни янада ривожлантириш бўйича зарур чора-tadbирлар белгилаб олинди ва бу эзгу ишлар давом этаверади.

## Соғлом бола — келажак пойдевори

Мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар, чунончи, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аҳоли саломатлигини янада мустаҳкамлаш борасидаги ишлар улкан тарихий аҳамиятга эга. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримовнинг ташаббуси билан амалга оширилаётган ушбу хайрли ишлар миллатни соғломлаштириш гоҳисининг асосини ташкил қилади. Эса соғлиғи йўлида қилинаётган ишларнинг нечоғлик муҳим ва долзарб эканлиги Президентимизнинг "Соғлом халқ, соғлом миллатгина буюк ишларга қодир бўлади", деган гапларида ҳам яққол ифодаланган.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, келажак авлод пойдеворини шакллантириш аввало оилалардан бошланади. Оилада бола тарбиясига эътиборни кучайтириш, айнакча, оилани мустаҳкамлаш ўта муҳим ҳисобланади. Оила қанчалар ақил, мустаҳкам бўлса, жамият шунчалар ривожланади. Жамиятнинг ривожига эса давлатнинг буюк бўлишига олиб келади. Оила маънавият кўргони, тарбия маскани бўлиб, айнан оилада Ватан келажакки камол топади.

Шу сабабли, юқорида қайд этганимиздек, бугун юртимизда қилинаётган барча ишлар, биринчи галда ёшларимизнинг бахту саодати, уларнинг ёруғ келажакки учун амалга оширилмоқда. Одобли, билимдон, ақли, соғлом, меҳрибон ҳамда меҳнатсевар фарзанд нафақат ота-онасининг, балки бутун жамият ва халқнинг бойлигидир. Ёшларимизни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, маънавият кўргони бўлган оилани мустаҳкамлаш барчамизнинг бурчимиз эканлигини зинҳор ёддан чиқармаслигимиз лозим.

Тошкент шаҳар прокуратураси органлари томонидан ушбу масала юзасидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. Вояга етмаганларнинг соғлигини сақлаш, улар ўртасида жиноятчилик, ҳуқуқбузарликка қарши курашиш бўйича мутасадди ташкилотлар, муассаса ва мансабдор шахслар томонидан олиб борилган ишлар аҳоли мунтазам ўрганилиб, таҳлил этиб борилаётган.

Маълумотларга кўра, пойтахтимиз аҳолисининг 38 фоизи ёки 758 минг нафарини вояга етмаганлар ташкил қилади. 287 та умумтаълим мактабларида 302 минг 106 нафар ўқувчи таҳсил олаётган бўлса, 445 та мактабга таълим муассасаларида 105 минг 625 нафар бола тарбияланмоқда. Шунингдек, ақли заиф, жисмоний нуқсонли бўлган ва бошқа болаларга мўлжалланган 17 та махсус мактаб-интернатлари, 544 нафар бола тарбия олаётган 6 та меҳрибонлик уйи, 133 минг 621 нафар ўқувчи таълим олаётган 79 та касб-хунар коллежлари ва 41 та академик лицейлар фаолият юритиб келмоқда.

## Қинғирликнинг чегараси бор

Одамларни аллаш, фирибгарлик билан пул топишни ўзига касб қилиб олган Авазбек Дўстмуродов бир неча бор судланган, қилмишларига яраша жазо олади. Лекин унинг кўзи очилмади. Қинғир ишларини давом эттираверди.

**Ж**умладан, 2004-2005 йилларда фуқаро Комил Худойбердиевга "Уканга" автомактабда ўқигани ҳақида маълумотнома тўғрिलाб бераман" деб 95 минг сўм пулини олиб, ўз эҳтиёжлари учун ишлатиб юборди. Одамларни алдаб, фирибгарликнинг устасига айланган Авазбек 2008 йил фуқаро Ҳалима Мусабоевадан қарз сўраб борди. Икки-уч кун ичида қайтариб беришини айтиб, унинг 1 млн. 300 минг сўм пулини қўлга киритди. Бироқ, унинг икки-уч кун ийларга чўзилди. Х.Мусабоева Авазбекнинг уйига қатнаб чарчиди.

Пулга муҳтож бўлиб қолган Авазбек энди маҳалладоши Санобарнинг уйига йўл олди. Тез кунда қайтариб беришини айтиб, ундан бўлиб-бўлиб 6 млн. сўм олгач, ўз эҳтиёжи учун сарфлади. Чет энди ишлаб пул юбораётган турмуш ўртоғининг пулларини қарзга берган Санобар бир неча марта пулини сўраб, Авазбекнига қарз берди. Аммо куруқ ваъдалардан бошқа нарса ололмади.

2010 йил охирида Авазбек Ҳалимадан яна 4 млн. сўм сўради. Жахли чиққан Ҳалима аввалги қарзини талаб қилди. Одамларнинг ишончига киришга устаси фаранг бўлган шовбов бир амаллаб бу сафар ҳам ундан сўраган пулини олиб кетди.

2012 йилнинг май ойидан "Элбек брокер сервис" хусусий корхонасида раҳбар вазифасида ишлаб бошлаган Авазбек Дўстмуродовга таниши У.Маҳмудов "қурилиш қилман десанг", "Камолот" ёшлар ижтимоий кенгашида иш бор" деди. Иккови бирга келиб, кен-

Аҳор МУҲАММАДБОҚИЕВ,  
Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим катта прокурори

Тошкент шаҳар прокуратураси томонидан вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижросини таъминлаш борасида 2014 йилнинг биринчи чораги давомида ўтказилган жами 97 текширув натижасига кўра аниқланган қонунбузилишлар, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб берган шарт-шароитларни бартараф этиш борасида 174 та тақдирнома киритилди. Прокурорларнинг қарорлари билан 588 нафар шахс интизомий, 108 нафари маъмурий, 184 нафари эса моддий жавобгарликка тортилди. 13 та жиноят иши кўзгатилиб, судларга 40 та даъво аризалари киритилди. 75 нафар шахснинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Соғлом ва ақл-заковатли баркамол авлодни вояга етказиш, унинг ҳаётда муносиб ўрин эгаллашига эришиш нафақат ота-онанинг орузи, балки жамиятнинг ҳам мақсад-муддаосидир. Шундай экан, она ва бола соғлигини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш, бу борадаги саъй-ҳаракатларни янада кучайтириш бугуннинг долзарб вазифалари сирасига киради. Зеро, ҳам жисмоний, ҳам маънавий хиҷдатдан етук авлодгина Ватан тақдирига дахлдорлик масъулиятини ҳис этиб, келажакки буюк давлат барпо этишга қодир бўлади.

Иқбол ҚАМБАРОВ,

Жиззах вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

гаш бош ҳисобчиси Б.Ражабовга учрашишди. Бош ҳисобчи ҳақиқатан ҳам кенгаш биносининг томи ва ички қисмларини таъмирлаш лозимлигини, айни пайтда кенгашнинг ҳисоб рақамда 4 млн. 419 минг сўм маблағи борлиғи шу пулларни унинг корхонаси ҳисоб рақамига ўтказиб беришини айтиди. Аллақачон миёсида бу пулларнинг ҳисобини олиб қўйган бош ҳисобчи Авазбекка таъмирлаш учун бунча маблағ келмайтиди деб, бироз қисмини таъмирлашга, қолган пулларни эса иккови бўлиб олиш таклифини билдирди.

Бу тақлифга рози бўлган Авазбек пулларнинг озроқ қисмига қурилиш молларини сотиб олди, қолганини эса келишилганидек бўлишиб олди.

Кўз охирида, қунлар совиса-да, бино таъмирланмади. Орада икковлоннинг чўнтағи қаппайди. Бу орада маҳалладоши Санобар қарзини сўраб, Авазбекнинг уйига анча қатнади. Лекин, "Фирмада ишлаяпман, ҳисоб рақамга пул тушиши биланок қарзингни узаман", деган ҳар хил баҳоналарни эшитавериб чарчаган Санобар қарзини ундириб беришини сўраб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилди. Хавфли рецидивист бўлган Авазбекнинг барча кирдикорлари фош этилди.

Суд ҳукми билан Авазбек Дўстмуродов 3 йил муддатга муайян ҳуқуқдан маҳрум этилиб, унга 4 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Ўтган йилларда жамиятимизда ҳуқуқий янгиланишлар жараёни содир бўлди, десак муволафа бўлмайди. Муҳтарам Президентимиз раҳнаомлигида қонунчилигимиздаги улкан ўзгаришлар ҳаётга татбиқ этилиб, бу ўз навбатида аҳоли ҳуқуқий саводхонлигининг янада ошишига хизмат қилди.

## Асосий вазифаларимиздан бири

Шавкат АЧИЛОВ,

Самарқанд вилоят прокурори ўринбосари

Албатта, бу жараён ўз-ўзидан кечгани йўқ. Бу энг аввало, Юртбошимиз бошчилигида олиб борилган тинимсиз изланишлар, халқимиз ҳаётини янада фаровон қилиш борасида амалга оширилган туб ислохотлар мевасидир.

Шу маънода, Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ҳам жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқладиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тизумини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилиш орқали юрт раванқига ўзига хос ҳисса қўшиб келмоқда. Хусусан, "Прокуратура тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Республика Бош прокурорининг "Жиноятчиликка қарши кураш, унинг олдини олиш ҳамда суриштирув ва дастлабки тергов ўтказишда қонунларнинг аниқ бажарилиши устидан прокурор назоратини янада тақомиллаштириш тўғрисида"ги ҳамда "Жиноят процессида шахннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоясини таъминлаш юзасидан прокурор назоратини тубдан яхшилаш тўғрисида"ги буйруқлари, Бош прокуратура ҳайъати, мувофиқлаштирувчи Кенгаши қарорлари талаблари ва вилоят прокуратураси ҳайъати кўрсатмалари бу жараёнда дастурийлаш бўлиб хизмат қилмоқда. Бу ўринда асосий эътибор терговнинг сифат ва самардорлигини ошириш, етказилган зарарларни тўлиқ ундиришга қаратилди.

Жорий йилнинг ўтган даврида вилоят прокуратураси органлари томонидан 289 та жиноят ишлари кўзга тилган бўлиб, шундан 279 таси, яъни 549 нафар шахсга нисбатан айблов ҳулосаси, амнистия тўғрисидаги қарор, тиббий йўсиндаги мажбурият чоралари ёки ярашув тўғрисидаги қарорлар билан тамомланиб, судларга юборилган. Жиноят содир этилиши оқибатида етказилган 24 млрд. 769 млн. сўмлик зарардан 24 млрд. 435 млн. сўми ёки 98,6 фоизи дастлабки тергов давомида ундирилди.

Шунингдек, вилоят прокуратураси томонидан ҳудудда содир этилган қасддан одам ўлдириш каби ўта оғир

турдаги жиноятларнинг ўз вақтида фош этилиши ҳамда айбдорларга нисбатан жазо муқаррарлиги таъминланмоқда. Масалан, ўтган йилнинг 21 ноябрь куни Жомбой туман "Зарафшон" МФЙга қарашли "Ўртабўз" қишлоғида яшовчи Р.Қорабоев ва унинг турмуш ўртоғи С.Қорабоеваларнинг мурдаси ўз уйларида кўплаб жароҳатлар билан топилган. Ушбу жиноятни фош этиш юзасидан тергов ва тезкор ҳаракатларнинг ҳамкорликдаги режаси тўғри тузилганлиги ҳамда кундалик назорат ўрнатилиб, мувофиқлаштирилиб борилиши натижасида жиноятни содир этган шахслар тезда аниқланди.

Тергов натижасига кўра, айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилинган Ф.Эргашев ва Ж.Рустамовларга нисбатан ЖКНинг тегишли моддалари билан айб эълон қилиниб, суд ҳукми билан Ф.Эргашев 23 йилга, Ж.Рустамов эса 22 йилга озодликдан маҳрум этилди.

Жиноятни фош қилиш, унинг олдини олишда биринчи галда ҳар бир прокурор-тергов ходимидан юқори билим савияси ва касб маҳорати талаб этилади. Шу боис, Бош прокурорнинг кўрсатмаларига биноан, вилоят прокуратураси органларида тегишли мутахассислар ва малакали ходимлар иштирокида семинар-йиғилишлар ўтказилиб, фаолиятимиз натижалари ҳайъат, мувофиқлаштириш Кенгаши ва тезкор йиғилишларда муҳокама этилмоқда, прокурор-тергов ходимлари масъулиятини оширишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Бундан ташқари, вилоят прокуратураси органлари томонидан жами 2073 та тарғибот тадбирлари ташкил этилиб, шундан 355 таси бевосита вилоят прокуратураси тарғиботчилари томонидан ўтказилган.

Дарҳақиқат, жиноятчиликка, турмушимиздаги нопокликларга қарши кураш жараёни осон кечадиган, енгил кўчадиган иш эмас. Бу фаолият ходимлари масъулиятли бўлишга, ҳалолликка, адолатга хизмат қилишга ундайди. Давлат ва халқ дардига ақинлаштирадиган ҳамда улarga бефарқ бўлмаликка ўргатади.

Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги ислохотлар тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Юртбошимиз таъбири билан айтганда, "жамиятнинг янгиланган, мамлакатнинг модернизация қилиш йўлидаги ислохотларни амалга оширишда тадбиркорлик субъектларининг ўрни бекиёс бўлиб, улари фаолиятига фойдаланиш алоқасидаги қўриқларни чеклаш, ҳуқуқий ҳимоя тизимини янада мустаҳкамлаш ҳамда уларнинг мулклик ҳуқуқларини фуқаролик-ҳуқуқий кафолатлар бугунги кундаги муҳим вазифалардан дандир".

Республика Президентининг томонидан тадбиркорликнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашга доир илгари сурилган гоғлар асосида

## Тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини яратиш ва уни мустаҳкамлаш мақсадида қабул қилинган қонунлар, фармонлар ва қарорларга кўра, тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олишнинг соддаштирилган тартиби жорий этилди, тадбиркорлик субъектларига нисбатан барча санкцияларнинг суд қарорига асосан қўлланиши белгиланди. Шунингдек, ҳисобот тақдим этишнинг шакл ва турлари, тадбиркорлик фаолиятига асосиз ва ноқонуний аралашувлар, уларнинг молия-ҳўжалик фаолиятида ўтказилган текширишлар сони кескин қисқартирилди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда бизнесни рўйхатга олиш жараёни "бир дарча" тамойили асосида амалга оширилади ва бу энг яхши халқаро амалиёт талабларига тўла

мосдир.

Тадбиркорлик фаолиятининг янги шакли, яъни оилавий тадбиркорлик вужудга келди ва унинг ҳуқуқий асоси сифатида "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди. Ушбу қонун қабул қилиниши муносабати билан юртимиз аҳолисининг оилавий тадбиркорлик билан шуғулланиши, шунингдек, юридик шахс ташкил этган ҳолда амалга оширилган оилавий тадбиркорлик, оилавий корхоналар ташкил этишга оид ҳуқуқлари таъминланди.

Ислохотларнинг изчил давом этиши жараёнида 2014 йил 7 апрелда "Ўзбекистон Республикасида инвестиция

иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада тақомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Республика Президентининг Фармони қабул қилинди. Ушбу фармонга кўра, ҳўжалик юритувчи субъектларнинг солиқ, молиявий ҳисоботларини тақдим этмаслик ва уларнинг кўрсатилган манзилда йўқлиги ҳолатларида уларнинг тижорат банклардаги ҳисоб варақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш Давлат солиқ хизмати органларининг томонидан фақат суднинг тегишли қарори асосида амалга оширилиши, 2015 йилнинг 1 январидан бошлаб, кичик тадбиркорлик субъектларини статистика ҳисоботларини йилда бир мартаба тақ-

## Кондан фойдаланиш тартибининг бузилиши

Тоғоли ҳудудида жойлашган Фарғона туманининг аксарият қисми тош-лоқ ерлар, қир-дирилардан иборат. Тошда дур етиштири оладиган деҳқонлар, боғбонлар паст текисликлардан ташқари, сув етиб борган экинзорлар, боғ-роғлар яратилган. Ҳар бир қарич ерни, унумдор тупроқни, сой ва анҳорларнинг зилол сувларини, жамки табнат инъомларини асраб-авайлаш, улардан оқилона фойдаланишга оатланишган.

Яхшидан боғ, ёмондан доғ қолади, дейишади. Аммо юрт раванқига ҳисса қўшишга интилган инсонлар билан бир қаторда, ҳисобга олинмайдиган йирик даромад кетидан қувиб, табиятга, атроф-муҳитга зарар етказишга уринганлар ҳам учраб турибди.

Бутун мамлакатимизда бўлгани каби, туманимизда ҳам қурилишлар кўлами тобора кенгайиб бормоқда. Катта-кичик ишлаб чиқариш, савдо, хизмат кўрсатиш корхоналари, турар жой бинолари, янги уйлар қад ростламоқда. Қурилиш ашёси — тош-шағалга, ғишга эҳтиёж ортиб бормоқда. Бундан фойдаланиб қолишга киришган айрим "ишбилармон"ларнинг лицензиясиз шағал қазиб олиб сотиш, солиқ ва бошқа тўловлардан бўйин товлашга қаратилган хатти-ҳаракатлари бартараф этилмоқда.

Амалдаги қонун ва қонуности ҳужжатларига биноан, лицензия асосида туман захирасидаги ер қаъридан қарьер сифатида фойдаланишга, тош-шағал, тупроқ қазиб олишга рўхсат берилди. Лицензия Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 7 июндаги "Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензиялар бериш тартибини тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ҳамда 2011 йил 2 майдаги "Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензиялар бериш тартиби тўғрисида"ги Қарори билан тақдим қилинади.

Бирок, "Фарангиз" хусусий корхонасининг раҳбарлари ноқонуний даромад олишни мақсад қилиб, белгиланган тартибда лицензия олмастан иш юритишни маъқул қўришган. Юқоридаги Низом талабларига зид равишда туман захирасидаги 1,8 гектар ер майдонидан ғайриқонуний фойдаланган ҳолда, ўтган йил майдонда 127 минг куб метрдан зиёд шағал қазиб олиб, нақд пулга сотилган. Бундан тушган

Баҳодиржон УСМОНОВ,  
Фарғона туман прокурори

1 млрд. 174 млн. сўмдан ортиқ нақд пулни назорат-касса машинасига қирим қилишмаган, банк муассасасига ҳам топширмаган. Туман ДСИга топширилган ҳисоботларда ушбу ноқонуний олган даромадларини яшириб, 276 млн. сўмликдан зиёд солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаб келишган.

Худди шунингдек, "Фар Сардил Файз" масъулияти чекланган жамиятининг мансабдор шахслари ҳам белгиланган тартибда лицензия олмастан шағал қазиб сотиш билан шуғулланишган. Туман захирасидаги 0,40 гектар ер майдонидан йил майдонда қазиб олинган 11200 куб метр шағални сотиб, 78 млн. 400 минг сўм нақд пулни банк муассасасига топширишмай, 18 млн. 424 минг сўм солиқ ва бошқа тўловларни тўлашмаган.

"Файз гишт сервис" МЧЖ раҳбарлари эса бозори қаққон тупроқ қазиб олиб, пуллашган. Ушбу "ишбилармон"лар лицензия олиниши шарт бўлган фаолият билан махсус рўхсатнома олмастан шуғулланиб, ўзбошимчилик билан бугдой экилган, экинлардан фойдаланишдаги тупроқни қазиб, сотишаверган. Ер кодексининг 18-, 20-, 23-, 31-, 33-моддалари, "Ер ости бойликлари тўғрисида"ги Қонунининг 26-, 33-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан тақдим қилинган "Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш учун лицензия бериш тартиби ва шартлари тўғрисида"ги Низом талабларига зид равишда норуда қазилма бойлиги — тупроқ қазиб олиб, нақд пулга сотишдан тушган 268 млн. 800 минг сўмни солиқ тўловлари ҳисоботларига киритишмаган. 63,1 млн. сўмликдан зиёд солиқ ва бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлашган.

Табиятнинг муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш борасидаги қонун ва қонуности ҳужжатлари талабларини қўпол равишда бузган, ҳисобга олинмайдиган даромад орттириш ниятида солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлаган "Фарангиз" хусусий корхонаси, "Фар Сардил Файз" ва "Файз гишт сервис" МЧЖларнинг раҳбарларига нисбатан жиноят ишлари кўзга тилган, улари нисбатан жавабгарлик чораларининг қўрилиши таъминланди. Туман ҳокимлигида қонунбузилиши ҳолатларини келтириб чиқарган сабабларни бартараф этиш ва олдини олишга қаратилган тақдимнома киритилди.

Муносабат

## Тадбиркорликка оид ислохотларни амалиётга татбиқ этиш

Шавкатжон РАҲИМОВ,  
Бош прокуратуранинг ОУК  
тингловчиси

дим этиши каби бир қатор имтиёзлар белгиланди.

"Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тартиботларни янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарорига кўра, 2014 йил 1 июндан бошлаб:

а) тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рўхсат этиш характерига эга ҳужжатларнинг 16 таси бекор қилинмоқда;

/Давоми 9-бетда/

## Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

# Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида

(Давоми.  
Бошланғичи 1-бетда)

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 6 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги 818-ХII-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган 524-II-сонли Қонуни тахририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 9-10, 138-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 163-модда; 2008 йил, № 12, 637-модда; 2009 йил, № 12, 465-модда; 2011 йил, № 4, 101-модда) **20-моддасига** қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин:

**иккинчи қисмидаги** «норматив тусдаги» деган сўзлар «норматив-ҳуқуқий тусдаги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**олтинчи қисм** қуйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:

«Вазирлар Маҳкамасининг норматив-ҳуқуқий тусдаги қарорлари, агар ҳужжатларнинг ўзида кечроқ мuddат кўрсатилмаган бўлса, расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради»;

**саккизинчи қисм** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Вазирлар Маҳкамасининг норматив-ҳуқуқий тусдаги қарорлари «Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг қарорлари тўплами» ва «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами»да эълон қилинади, зарур бўлган тақдирда эса бошқа оммавий ахборот воситалари орқали ҳам кенг омма эътиборига етказилади».

**4-модда.** 1993 йил 7 майда қабул қилинган 863-ХII-сонли **Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 6, 247-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 3, 38-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 7, 350-модда; 2012 йил, № 9/2, 246-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

**1) 13-модданинг учинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**2) 59-модданинг матнидаги** «Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси томонидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**3) 81-модданинг учинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси томонидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**5-модда.** Ўзбекистон Республи-

касининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги 913-ХII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 9, 320-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 9, 241-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2007 йил, № 4, 163-модда, № 9, 420-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2013 йил, № 12, 350-модда) **6-моддасининг учинчи қисми** қуйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:

«Халқ депутатлари Кенгашининг ва ҳокимнинг норматив-ҳуқуқий тусдаги ҳужжатлари, агар ҳужжатларнинг ўзида кечроқ мuddат кўрсатилмаган бўлса, расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради».

**6-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 5 майда қабул қилинган «Банкротлик тўғрисида»ги 1054-ХII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 24 апрелда қабул қилинган 474-II-сонли Қонуни тахририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 5, 63-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 414-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 133-модда, № 9, 330-модда; 2010 йил, № 9, 337-модда; 2011 йил, № 10, 270-модда; 2012 йил, № 12, 334-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

**1) 114-модданинг биринчи ва иккинчи қисмларидаги** «очиқ» деган сўз чиқариб ташлансин;

**2) 115-модданинг: биринчи, учинчи, тўртинчи, бешинчи, еттинчи, саккизинчи, тўққизинчи, ўнинчи, ўн биринчи ва ўн учинчи қисмларидаги** «очиқ акциядорлик» деган сўзлар «акциядорлик» деган сўз билан алмаштирилсин;

**ўн тўртинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Акциядорлик жамиятининг ёки акциядорлик жамиятларининг устав фондидаги акцияларни кредиторлар ўртасида тақсимлаш кредиторларнинг талаблари реестридаги ўз улушига мутаносиб равишда, кредиторларга акциядорлик жамиятининг ёки акциядорлик жамиятларининг муассислари (акциядорлари) бўлиш ҳуқуқи берилган ҳолда амалга оширилади».

**7-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012-ХII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9,

171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар, № 9, 341-модда, № 12, 471, 477-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

**1) 211-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Пора бериш, яъни мансабдор шахсининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора берган шахсининг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эъвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб бевосита ёки воситачи орқали мансабдор шахсга моддий қимматликлар бериш ёки уни мулкий манфаатдор этиш, —

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Пора бериш:

а) такроран, хавфли рецидивист ёки илгари ушбу Кодекснинг 210 ёки 212-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс томонидан;

б) кўп миқдорда содир этилган бўлса, —

беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Пора бериш:

а) жуда кўп миқдорда;

б) уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб;

в) масъул мансабдор шахс томонидан содир этилган бўлса, —

ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Башарти, шахсга нисбатан пора сўраб товламачилик қилинган бўлса ва ушбу шахс жиноий ҳаракатлар содир этилгандан кейин бу ҳақда ўттиз сутка мобайнида ўз ихтиёри билан арз қилса, чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, жиноятни охишда фаол ёрдам берган бўлса, у жавобгарликдан озод этилади»;

**2) 212-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Пора олиш-беришда воситачилик қилиш, яъни пора олиш ёки бериш хусусидаги қелишувга эришишга қаратилган фаолият, шунингдек манфаатдор шахсларнинг топшириғи билан порани бевосита бериш, —

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Уша ҳаракат:

а) такроран, хавфли рецидивист

ёки илгари ушбу Кодекснинг 210 ёки 211-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс томонидан;

б) кўп миқдорда пора олиш ёки бериш вақтида;

в) бир гуруҳ мансабдор шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб пора олаётганлиги воситачига аён бўлган ҳолда содир этилган бўлса, — беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Пора олиш-беришда воситачилик қилиш:

а) ҳақ эъвазига;

б) жуда кўп миқдорда пора олиш ёки бериш вақтида;

в) уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб;

г) масъул мансабдор шахс томонидан содир этилган бўлса, —

ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Башарти, пора олиш-беришда воситачилик қилган шахс жиноий ҳаракатларни содир этганидан кейин бу ҳақда ўттиз сутка мобайнида ўз ихтиёри билан арз қилса, чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, жиноятни охишда фаол ёрдам берган бўлса, жавобгарликдан озод қилинади.

**8-модда.** Ўзбекистон Республика-

сининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015-ХII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014

йил, № 1, 2-модда) куйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) куйидаги мазмундаги **198<sup>3</sup>-модда** билан тўлдирилсин:  
**«198<sup>3</sup>-модда. Вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларнинг давлат рўйхатидан ўтказилмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини амалга киритиш**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларнинг мансабдор шахслари томонидан амалга киритиш, — энг кам иш ҳақининг етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, —

энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

2) **245-модданинг биринчи қисми** «198» рақамидан кейин «198<sup>3</sup>» рақами билан тўлдирилсин;

3) **245<sup>2</sup>-модданинг биринчи қисми** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларнинг мансабдор шахслари томонидан амалга киритилганлиги факти ёхуд пахта хариди бўйича контрактация шартномалари бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги оқибатида ҳўжалик йортувчи субъектга мулкий зарар етказилганлиги факти аниқланган тақдирда адлия органларининг мансабдор шахслари маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузадилар»;

**иккинчи қисмидаги** «ҳўжалик судига» деган сўзлар «судга» деган сўз билан алмаштирилсин;

4) **263-модда** куйидаги тахрирда баён этилсин:

**«263-модда. Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат кўмитасининг Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси органлари**

Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат кўмитасининг Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси органларига ушбу Кодекс 151-моддасининг биринчи қисмида, 152-моддасининг биринчи қисмида, 153, 154, 156-моддаларда назорат тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат кўмитасининг Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси бошлиғи, шунингдек мазкур давлат инспекциясининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ҳудудий бўлималари бошлиқлари ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган органлар номидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазо чораларини қўллашга ҳақлидир».

**9-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 30 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги 103-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 178-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 йил, № 1, 2-модда) **27-моддасига**

куйидаги қўшимча ва ўзгартиш киритилсин:

куйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари, шунингдек «Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди Ахборотномаси» Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг тўхтамлари эълон қилинадиган расмий манбалардир»;

**иккинчи ва учинчи қисмлар** тегишинча **учинчи ва тўртинчи қисмлар** деб ҳисоблансин.

**10-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги 154-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 247-модда; 1998 йил, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 5, 124-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 9, 496-модда; 2007 йил, № 12, 608-модда; 2009 йил, № 4, 133-модда, № 9, 330, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2012 йил, № 4, 105-модда, № 12, 336-модда) **7-моддасининг иккинчи қисми** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Марказий банкнинг норматив ҳужжатлари, агар ҳужжатларнинг ўзида кечроқ мuddат кўрсатилмаган бўлса, расмий эълон қилинган кундан эътиборан қўлга киратилади».

**11-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган 163-сонли ва 1996 йил 29 августда қабул қилинган 256-сонли қонунлари билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 2-сонга илова, № 11-12; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда, № 9, 494, 498-моддалар; 2007 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 4, 156, 164-моддалар, № 8, 367-модда, № 9, 416-модда, № 12, 598, 608-моддалар; 2008 йил, № 4, 192-модда, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 9, 337-модда; 2010 йил, № 9, 335, 337, 340-моддалар; 2011 йил, № 12/2, 363, 364, 365-моддалар; 2012 йил, № 4, 106, 109-моддалар, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда) куйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **58-модда:**  
**иккинчи қисмининг ўзбекча матнидаги** «акциядорлар жамияти» деган сўзлар «акциядорлик жамияти» деган сўзлар билан алмаштирилсин;  
**еттинчи қисмидаги** «очик акциядорлар жамиятлари бундан мустасно» деган сўзлар «акциядорлик жамиятлари бундан мустасно» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**ўн биринчи қисмининг ўзбекча матнидаги** «акциядорлик жамиятидан» деган сўзлар «акциядорлик жамиятидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **64-модданинг ўзбекча матнидаги** «Акциядорлар жамияти», «акциядорлар жамияти», «акциядорлар жамиятининг» ва «Акциядорлар жамиятининг» деган сўзлар тегишинча «Акциядорлик жамияти», «акциядорлик жамияти», «акциядорлик жамиятининг» ва «Акциядорлик жамиятининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **65 ва 66-моддалар** чиқариб ташлансин;

4) **68-модданинг биринчи қис-**

**мидаги** «овоз берадиган акцияларнинг йигирма фоиздан кўпроғига эга бўлса» деган сўзлар «овоз берадиган акцияларнинг (улушининг) йигирма фоиздан кўпроғига эга бўлса» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**12-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 30 августда қабул қилинган «**Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида**»ги 279-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 142-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда, № 12, 350-модда) **20-моддасига** куйидаги ўзгартишлар киритилсин:

**биринчи қисмидаги** «бошқалар» деган сўз «бошқа шахслар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**иккинчи қисм** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Акциядорлик жамиятлари, шунингдек суғурта компаниялари, банклар, фонд ва товар биржалари, инвестиция фондлари ва бошқа молия ташкилотлари ҳар йилги молиявий ҳисоботни унда кўрсатилган маълумотларнинг тўғрилиги аудиторлар томонидан тасдиқлангандан сўнг, ҳисобот йилидан кейинги йилнинг биринчи майидан кечиктирмай эълон қилиши шарт».

**13-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 декабрда қабул қилинган «**Нотариат тўғрисида**»ги 343-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 2, 42-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда; 2006 йил, № 9, 498-модда; 2007 йил, № 12, 608-модда; 2009 йил, № 9, 337-модда; 2010 йил, № 9, 335-модда; 2012 йил, № 4, 105-модда) куйидаги қўшимча ва ўзгартиш киритилсин:

1) **2-модданинг биринчи қисми** куйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:

«Судьялик лавозимида камида беш йил ишлаган ёхуд нотариал фаолият раҳбарликини амалга оширувчи ва ушбу фаолиятни назорат қилувчи лавозимларда камида уч йил ишлаган шахслар учун стажировкадан ўтиш мuddати бир йилни ташкил этади»;

2) **18-модданинг еттинчи хат-босидаги** «беш йилда» деган сўзлар «уч йилда» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**14-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 30 августда қабул қилинган 477-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 9-сонга илова; 2001 йил, № 1-2, 11-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 8, 367-модда; 2008 йил, № 4, 185-модда; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 332-модда; 2010 йил, № 6, 231-модда, № 9, 335-модда; 2011 йил, № 4, 104-модда; 2012 йил, № 9/2, 244-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда) куйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **248-модданинг иккинчи қисмидаги** «ҳақамлик судининг давони таъминлаш чораларини кўриш ҳақидаги ажрими» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2) **310-модданинг биринчи қисми** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ишда иштирок этувчи шахслар, шунингдек ишда иштирок этишга жалб қилинмаган, аммо ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақидаги масала суд томонидан ҳал этилган шахслар суднинг қарори қонуний, асосли ва адолатли эканлигини текшириш ҳақида-

ги шикоят (ариза) билан қонунда белгиланган тартибда мурожаат қилишга ҳақли»;

3) **320-модданинг биринчи жумласи** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Суд томонидан ҳал қилув қарори чиқарилган кундан эътиборан йигирма кун ичида тарафлар ва ишда иштирок этишга жалб қилинган бошқа шахслар, шунингдек ишда иштирок этишга жалб қилинмаган, аммо ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақидаги масала суд томонидан ҳал этилган шахслар ҳал қилув қарори устидан апелляция тартибда шикоят бериши, прокурор протест келтириши мумкин»;

4) **346-модданинг биринчи қисми** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Биринчи инстанция судининг ажримлари устидан суд томонидан ажрим топирилган кундан эътиборан ўн кун ичида тарафлар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахслар, шунингдек ишда иштирок этишга жалб қилинмаган, аммо ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақидаги масала суд томонидан ҳал этилган шахслар апелляция инстанцияси судига куйидаги ҳолларда суднинг ҳал қилув қароридан алоҳида шикоят бериши, прокурор эса протест келтириши мумкин»;

1) ушбу Кодексда назарда тутилган ҳолларда;

2) суднинг ажрими ишининг кейинги ҳаракатлишига тўқнилик қиладиган ҳолларда»;

5) **348<sup>1</sup>-модданинг матни** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Қонуний қўлга кирган, апелляция тартибда қўрилмаган ҳал қилув қарорлари устидан суднинг ҳал қилув қарори чиққан кундан эътиборан бир йил ичида тарафлар ва ишда иштирок этишга жалб қилинган бошқа шахслар, шунингдек ишда иштирок этишга жалб қилинмаган, аммо ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақидаги масала суд томонидан ҳал этилган шахслар кассация тартибда шикоят бериши ва прокурор протест келтириши мумкин».

**15-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 30 августда қабул қилинган 478-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Ҳўжалик процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 9, 234-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда; 2001 йил, № 1-2, 11-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 9-10, 149-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 7, 373-модда; 2007 йил, № 8, 367-модда; 2008 йил, № 9, 490-модда, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 1, 1-модда; 2010 йил, № 6, 231-модда; 2011 йил, № 4, 104-модда; 2012 йил, № 9/2, 244-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда) куйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) **8-модданинг иккинчи қисми** куйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:

«Ишни ёпиқ мажлисда видеоконференцлоқа режимида кўришга йўл қўйилмайди»;

2) **23-модда:**  
куйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:  
«Ҳўжалик судига шунингдек яқка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган фуқаролар иштирокидаги низоларга доир ишлар, агар тегишли талаблар уларнинг аввалги тадбиркорлик фаолиятдан келиб чиқса, тааллуқлидир»;

**иккинчи — бешинчи қисмлари** тегишинча **учинчи — олтинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

3) **76-модданинг учинчи қисмидаги** «ҳақамлик судининг давони таъминлаш чораларини кўриш ҳақидаги ажрими» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

# Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида

/Давоми.

Бошланиши 1, 4-5-бетларда/

## 4) 90-модда:

**биринчи қисми** «хўжалик суди тайинлаган экспертизани ўтказиш, гувоҳчи чақириш, далилларни ўз жойида кўздан кечириш учун тўланиши керак бўлган сумма» деган сўзлардан кейин «суд мажлисини видеоконференцалоқа режимда ўтказиш билан боғлиқ харажатлар» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Суд мажлисини видеоконференцалоқа режимда ўтказиш билан боғлиқ харажатларнинг суммаси хўжалик суди томонидан белгиланади ва ишда иштирок этувчи шахслардан ишни кўриб чиқиш натижалари буйича ушбу Кодекснинг 95-моддасига мувофиқ ундирилади»;

5) 110-модданинг **иккинчи қисми** қуйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:

«Суд буйруғининг тегишли тарзда тасдиқланган кўчирма нусхаси қарздорга юборилади»;

6) 126-модданинг **биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:

«Хўжалик судининг мажлиси видеоконференцалоқа режимда ўтказилиши мумкин»;

7) қуйидаги мазмундаги **126<sup>1</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

**«126<sup>1</sup>-модда. Хўжалик судининг видеоконференцалоқа режимдаги мажлисида иштирок этиш**

Ишда иштирок этувчи шахслар ва хўжалик судлов ишларини юритишнинг бошқа иштирокчилари видеоконференцалоқа режимдаги суд мажлисида иштирок этишга ҳақли.

Шахсларнинг видеоконференцалоқа режимдаги суд мажлисида иштирок этиш ҳуқуқи ишда иштирок этувчи шахсларга, хўжалик судлов ишларини юритишнинг бошқа иштирокчиларига ҳамда уларнинг бундай мажлисда иштирок этишига қўмақлашадиган тегишли хўжалик судига юбориладиган ишни судда кўришга тайёрлаш тўғрисидаги суд ажримида кўрсатилади.

Видеоконференцалоқа режимдаги суд мажлисини ўтказишга қўмақлашадиган хўжалик суди ишда иштирок этувчи шахслар ва хўжалик судлов ишларини юритишнинг бошқа иштирокчилари вакиллари воқолатларини тасдиқловчи ишончномалар, шунингдек суд мажлисида тақдим этилган ёзма далиллар ишни кўраётган хўжалик судига юборилишини таъминлайди»;

8) **131-модданинг биринчи қисми** «шу жумладан ишда иштирок этувчи шахслар, гувоҳлар, экспертлар ва таржимонлардан бири келмаганлиги ёки қўшимча далиллар тақдим этиш зарурилиги сабабли» деган сўзлардан кейин «ёхуд видеоконференцалоқа режимдаги суд мажлисини ўтказиш вақтида видеоконференцалоқа ўрнатишнинг имкони бўлмаган тақдирда» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

## 9) 134-модда:

қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Суд мажлиси видеоконференцалоқа режимда ўтказилган тақдирда, баённомада бу ҳақдаги маълумот кўрсатилиши керак»;

**учинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмлари** тегишинча **тўртинчи, бешинчи ва олтинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

10) **156-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ишда иштирок этувчи шахслар, шунингдек ишда иштирок этишга жалб қилинмаган, аммо ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида суд хал қилув қарори қабул қилган шахслар хўжалик судининг қонуний қучга кирмаган хал қилув қарори устидан апелляция шикоятни (протест) беришга ҳақлидир»;

11) **170-модда** **иккинчи қисми** **4-бандининг** **иккинчи жумласи** чиқариб ташлансин;

12) **173-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ишда иштирок этувчи шахслар, шунингдек ишда иштирок этишга жалб қилинмаган, аммо ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида суд хал қилув қарори ёки қарор қабул қилган шахслар хўжалик судининг қонуний қучга кирган хал қилув қарори ҳамда апелляция инстанциясининг қарори устидан кассация шикоятни, прокурор эса кассация протести беришга ҳақлидир»;

13) **188-модда** **учинчи қисми** **5-бандининг** **иккинчи жумласи** чиқариб ташлансин.

**16-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августда қабул қилинган «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги 670-I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Аxbоротномаси, 1998 йил, № 9, 170-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Аxbоротномаси, 2007 йил, № 8, 367-модда; 2011 йил, № 12/2, 363-модда) **32-моддасининг** **иккинчи қисми** «товарлар» деган сўздан кейин «(ишлар, хизматлар)» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

**17-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 24 декабрда қабул қилинган «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги 717-I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Аxbоротномаси, 1999 йил, № 1, 8-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда; 2004 йил, № 5, 90-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Аxbоротномаси, 2006 йил, № 3, 119-модда; 2007 йил, № 12, 598-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2010 йил, № 9, 336-модда, № 12, 474-модда; 2011 йил, № 9, 248-модда; 2012 йил, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда) **19-моддасининг** **иккинчи қисми** қуйидаги мазмундаги **иккинчи ва учинчи қисмлар** билан алмаштирилсин:

«Бўйсунмиш тартибда юқори турувчи органга ёхуд мансабдор шахсга шикоят бериш шундай шикоятни судга бериш ҳуқуқини истисно этмайди.

Судга шикоят берилганида устидан шикоят қилинаётган ҳаракатни ёки қарорни ижро этиш суднинг қарори қонуний қучга киргунинга қадар тўхтатиб турилади, фавқулодда вазиятлар, эпидемиялар ҳамда аҳолининг ҳаёти ва соғлиғи учун бошқа ҳақиқий ҳавф юзага келишининг олдини олиш билан боғлиқ бўлган ҳаракатлар ёки қарорлар бундан мустасно. Хўжалик юритувчи субъект судга шикоят берганлиги тўғрисида назорат қилувчи органи тегишли тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда хабардор қилиши шарт».

**18-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 25 декабрда қабул қилинган «Радиочастота спектри тўғрисида»ги 725-I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Аxbоротномаси, 1999 йил, № 1, 16-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Аxbоротномаси, 2013 йил, № 4, 98-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **7-модда биринчи қисмининг** **иккинчи хатбошиси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Алоқа, аxbоротлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси»;

2) **19-модданинг биринчи қисмидаги** «Ўзбекистон Алоқа ва аxbоротлаштириш агентлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Алоқа, аxbоротлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**19-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 августда қабул қилинган «Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги 811-I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Аxbоротномаси, 1999 йил, № 9, 208-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Аxbоротномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда; 2009 йил, № 4, 135-модда) қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин:

1) **4<sup>1</sup>-модда:** **учинчи қисмининг биринчи хатбошисидаги** «очик» деган сўз чиқариб ташлансин;

**тўртинчи қисмидаги** «акциядори» деган сўз чиқариб ташлансин;

2) **11-модда биринчи қисмининг биринчи хатбошиси** «тўла ёки» деган сўзлардан кейин «умумий мулк ҳуқуқида» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

3) **16-модданинг** **иккинчи хатбошисидаги** «акциядори» деган сўз чиқариб ташлансин.

**20-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августда қабул қилинган «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги 258-II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Аxbоротномаси, 2001 йил, № 9-10, 169-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Аxbоротномаси, 2007 йил, № 8, 367-модда, № 12, 598-модда; 2008 йил, № 4, 184, 187-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда; 2010 йил, № 9, 337, 340-моддалар; 2012 йил, № 12, 336-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимча киритилсин:

1) **54-модданинг ўнчинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Суд ижрочилари томонидан ижро ҳаракатларини амалга оширишда хатланган мол-мулкни баҳолаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан тасдиқланадиган низом билан тартибга солинади»;

2) **83<sup>1</sup>-модданинг биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги **еттинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига мувофиқ суриштирув органи бошлигининг вазифаларини бажаради».

**21-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 6 декабрда қабул қилинган «Хўжалик ширкатлари тўғрисида»ги 308-II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Аxbоротномаси, 2002 йил, № 1, 8-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Аxbоротномаси, 2007 йил, № 7, 325-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда) **3-моддасининг ўнчинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Хўжалик ширкати ўзининг фирма номи ёзилган штампларига ва бланкаларига, ўз эмблемасига, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар белгисига ҳамда фуқаролик муомаласи иштирокчиларини, товарлар, ишлар ва хизматларни индивидуаллаштирувчи ўзга воситаларга эга бўлишга ҳақли».

**22-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 6 декабрда қабул қилинган «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги 310-II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Аxbоротномаси, 2002 йил, № 1, 10-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Аxbоротномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда; 2007 йил, № 7, 325-модда, № 12, 598-модда; 2011 йил, № 12/2, 363-модда; 2012 йил, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **5-модданинг бешинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Жамият ўзининг фирма номи ёзилган штампларига ва бланкаларига, ўз эмблемасига, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар белгисига ҳамда фуқаролик муомаласи иштирокчиларини, товарлар, ишлар ва хизматларни индивидуаллаштирувчи ўзга воситаларга эга бўлишга ҳақли»;

2) **7-модданинг еттинчи қисмидаги** «очик» деган сўз чиқариб ташлансин.

**23-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги 522-II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Аxbоротномаси, 2003 йил, № 9-10, 136-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Аxbоротномаси, 2007 йил, № 4, 163-модда, № 7, 326-модда; 2008 йил, № 12, 637-модда; 2009 йил, № 4, ▶

136-модда; 2011 йил, № 4, 101-модда; 2013 йил, № 4, 95-модда) **12-моддасининг иккинчи қисми** куйидаги мазмундаги **3'-банд** билан тўлдирилсин:

«3) халқро ҳужжатларнинг ва чет эл мамлакатлари қонун ҳужжатларининг, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг тегишли қоидалари, Ўзбекистон Республикаси шароитида тегишли халқро тажриба қўлланилишининг мақбуллиги тўғрисидаги асосли тақлифлар кетма-кет тартибда кўрсатилган тахлилий қиёсий жадвал».

**24-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрда қабул қилинган «Хусусий корхона тўғрисида»ги 558-II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, № 1-2, 8-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 3, 119-модда; 2007 йил, № 12, 608-модда; 2011 йил, № 9, 248-модда; 2012 йил, № 9/1, 238-модда) **7-моддасининг матни** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Хусусий корхона ўзининг фирма номи ёзилган штамплари ва бланкалари, ўз эмблемасига, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар белгисига ҳамда фуқаролик муомаласи иштирокчиларини, товарлар, ишлар ва хизматларни индивидуаллаштирувчи ўзга воситаларга эга бўлишга ҳақли».

**25-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 11 октябрда қабул қилинган «Қонулар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида»ги ЎРҚ-60-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 537-модда) куйидаги ўзгариш ва қўшимчалар киритилсин:

**1) 7-модда:**

**6-банди** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«6) қонулар лойиҳаларини уларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонуларига, қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлигини аниқлаш нуктаи назардан, шунингдек ҳавола қилувчи нормалар қўлланилишининг асослиги ва мақсадга мувофиқлиги нуктаи назардан ҳуқуқий экспертизадан ўтказиладиган»;

қуйидаги мазмундаги **6'-банд** билан тўлдирилсин:

«6') қонулар лойиҳаларининг улардаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари тизимида коррупция, бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этилиши учун шароитлар яратадиган, шунингдек тадбиркорлик субъектлари учун уларнинг асоссиз харажатлар қилишига олиб келувчи ортиқча маъмурий ҳамда бошқа чекловларни жорий этадиган қоидалар ва нормаларни аниқлаш нуктаи назардан тахлилий амалга оширадиган»;

**8-банди** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«8) давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан қонулар лойиҳаларини тайёрлаш заруриятига оид масалаларнинг олдиндан келиши олинишини амалга оширадиган»;

**2) 11-модданин:**

**иккинчи қисми** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ишчи гуруҳи (комиссияси) таркибига қонунчилик ташаббуси ҳуқуқий субъекти тегишли бўлинмаларининг вакиллари, вазирликлар, давлат қўмиталари ёки идораларнинг тегишли тармоқларнинг ҳолати ва ривожланиши учун маъсул бўлган вакиллари, бошқа манфаатдор давлат органларининг, илмий ва бошқа ташкилотларнинг вакиллари, шунингдек фуқаролар киритилиши мумкин. Бунда нодавлат ташкилотлар вакиллари, шунингдек фуқаролар ишчи гуруҳи (ко-

миссияси) таркибига ўз розилигига кўра киритилади»;

**тўртинчи қисми** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқий субъекти ишчи гуруҳининг (комиссиясининг) фаолиятини таъминлаш учун давлат органларидан ва бошқа ташкилотлардан қонун лойиҳасини тайёрлаш учун зарур бўлган материалларни, статистика маълумотларини ва ўзга маълумотларни олишга, қонун лойиҳаси юзасидан илмий ва бошқа ташкилотларнинг, олимлар ҳамда мутахассисларнинг маслаҳатлари ва тавсияларини, шунингдек экспертларнинг хулосаларини олишга ҳақлидир»;

**3) 19-модданин:**

**иккинчи қисмидаги** «Норматив кўрсатмалар» деган сўзлар «Ҳуқуқий нормалар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**тўртинчи қисмидаги** «норматив кўрсатмалар» деган сўзлар «ҳуқуқий нормалар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**4) 22-модданин матнидаги** «норматив кўрсатмаларнинг» деган сўзлар «ҳуқуқий нормаларнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**5) 23-модданин:**

**биринчи қисмидаги** «илмий-техникавий» деган сўз «илмий» деган сўз билан алмаштирилсин;

**иккинчи қисмидаги** «тақлиф этилиши» деган сўзлар «жалб этилиши» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**учинчи қисми** куйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин: «Инобатга олинмаган тақлифлар ва мулоҳазалар юзасидан тегишли тушунтиришлар берилган ҳолда маълумотнома тузилади»;

**6) 24-модданин матни** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Қонун лойиҳаси ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши шарт. Ҳуқуқий экспертиза ўтказилаётганда қонун лойиҳаси нормаларининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонуларига, қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлиги, шунингдек ҳавола қилувчи нормалар қўлланилишининг асослиги ва мақсадга мувофиқлиги текширилади.»

Қонун лойиҳасининг ҳуқуқий экспертизаси субъектининг юридик хизмати, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва бошқа ташкилотлар томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ ўтказилиши мумкин. Бунда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қонулар лойиҳаларининг ҳуқуқий экспертизасини бошқа турдаги экспертизалар ўтказилганидан кейин амалга оширадиган»;

**7) 27-модданин биринчи қисми** куйидаги мазмундаги **3'-банд** билан тўлдирилсин:

«3') халқро ҳужжатларининг ва чет эл мамлакатлари қонун ҳужжатларининг, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг тегишли қоидалари, Ўзбекистон Республикаси шароитида тегишли халқро тажриба қўлланилишининг мақбуллиги тўғрисидаги асосли тақлифлар кетма-кет тартибда кўрсатилган тахлилий қиёсий жадвал».

**26-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 16 октябрда қабул қилинган «Ҳақамлик судлари тўғрисида»ги ЎРҚ-64-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 541-модда) **32-моддасига** куйидаги ўзгаришлар киритилсин:

**иккинчи қисм** чиқариб ташлансин; **учинчи — олтинчи қисмлар** тегишсизлик қисмлар — **бешинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

**учинчи қисмидаги** «ҳақамлик судининг даъвои таъминлаш чораларини кўриш ҳақидаги ажрими» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**27-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 22 июлда қабул қилинган «Қимматли қоғозлар бозо-

**ри тўғрисида»**ги ЎРҚ-163-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 7, 354-модда; 2009 йил, № 9, 337-модда, № 12, 464-модда; 2012 йил, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда) куйидаги ўзгариш ва қўшимчалар киритилсин:

**1) 3-модданин:**

**ўн тўртинчи хатбошиси** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«**корпоратив облигациялар** — акциядорлик жамиятлари ва ўзининг ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар тижорат банклари томонидан чиқариладиган облигациялар»;

**ўттиз иккинчи хатбошисидаги** «битимлар тузиш орқали» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**2) 5-модданин қисми** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Давлат ташкилоти акциядорлик жамияти этиб ўзгартирилаётганда Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган акцияларнинг эмиссия рисоласи акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарордир»;

**3) 8-модда:**

**номи** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«**8-модда. Эмиссиявий қимматли қоғозларнинг чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказганлик учун йўғим**»;

**учинчи қисмининг учинчи хатбошисидаги** «акциядорлик жамиятининг устав фонди давлат активлари ҳисобига кўпайтирилганда» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**4) 10-модданин биринчи қисми** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Эмиссиявий қимматли қоғозларнинг чиқарилиши:

эмиссия жараёнида қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талаблари эмитент томонидан бузилганлиги аниқланганда, шунингдек эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилиши ҳақида эълон қилинган ахборотда нотўғри маълумотлар аниқланган тақдирда амалга бартараф этилгунига қадар тўхтаб турилади;

уларнинг чиқарилишини тўхтаб туришга олиб келган қоидабузарликлар эмитент томонидан бартараф этилмаган, шунингдек чиқариш тўғрисидаги қарорда белгиланган муддатда мазкур чиқарилишдаги қимматли қоғозларнинг 60 фоиздан кам қисми жойлаштирилган тақдирда амалга олмаган деб топилади, мазкур чиқарилишдаги қимматли қоғозларнинг қимматида камидан 30 фоизи қимматли қоғозларнинг биржа бозорида ва уюшган биржадан ташқари бозорида жойлаштирилган ҳоллар бундан мустасно;

суднинг тегишли қарори мавжуд бўлган тақдирда ҳақиқий эмас деб топилади»;

**5) 14-модданин тўртинчи қисми** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Акцияларнинг очик обунаси қимматли қоғозларнинг фақат биржа бозорида ва уюшган биржадан ташқари бозоридагина ўтказилади»;

**6) 15-модданин иккинчи қисми** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Қимматли қоғозларнинг биржа бозорида ва уюшган биржадан ташқари бозорида қимматли қоғозларга доир битимларни тузиш ҳамда рўйхатдан ўтказиш уларни ёзма равишда (қоғозда) расмийлаштириш заруратсиз, электрон шаклда амалга оширилади. Қимматли қоғозларга доир бошқа битимлар ёзма шаклда

амалга оширилади ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиши керак»;

**7) 23-модданин биринчи қисмидаги** «очик» деган сўз чиқариб ташлансин;

**8) 39-модда** куйидаги мазмундаги **саккизинчи ва тўққизинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Агар эмитентнинг қимматли қоғозлари фонд биржасининг листингига киритилган бўлса, ушбу моддада назарда тутилган ахборотни мажбурий равишда ошкор қилиш фақат фонд биржасининг расмий веб-сайтида амалга оширилади.»

Фонд биржаси ушбу моддада назарда тутилган ахборот эмитент томонидан ўз расмий веб-сайтида эълон қилинганлиги учун ҳақ ундиришга ҳақли эмас»;

**9) 43-модданин матни** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Инвестор мустақил равишда ва (ёки) аффилиланган шахслар билан биргаликда бир ёки бир неча битим тузиш натижасида акциядорлик жамияти акцияларининг мазкур акциядорлик жамияти устав фондининг жами йиғирма фоизини ва ундан ортиқ фоизини ташкил этувчи акциялар пакетини олганлиги ҳақидаги ахборотни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ошкор қилиши шарт»;

**10) 49-модда:**

**иккинчи қисмининг биринчи хатбошиси** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Акциядорлик жамиятлари ва ўзининг ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар тижорат банклари корпоратив облигацияларнинг куйидаги шартларга риоя этган ҳолда»;

**учинчи қисми** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Корпоратив облигациялар уларнинг эгаларига эмитентни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини бермайди».

**28-модда.** Куйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

1) Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгагининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси идоралари ходимларининг даражали махсус унвонлари тўғрисидаги Низомини ва Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси идораси ходимларини рағбатлантириш ва уларнинг интизомий жавобгарлиги тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 748-XII-сонли Қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгагининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 1, 31-модда);

2) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1996 йил 30 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг ходимларини рағбатлантириш ва уларнинг интизомий жавобгарлиги тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 282-I-сонли Қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 145-модда);

3) Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 832-I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 9, 229-модда) **VII бўлими**.

**29-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қўлга киритилсин.

Ушбу Қонун 15-моддасининг 1, 4, 6-9-бандлари 2014 йилнинг 1 сентябрдан эътиборан амалга киритилмади.

Кейинги йилларда ҳукуратимиз томонидан таълим тизимига катта эътибор берилмоқда. Ҳозирда ночор аҳволаги мактаб бинолари қолмади ҳисоб. Ҳар йили бюджетдан капитал реконструкция, таъмирлаш, қайта тиклаш, спорт заллари қуриш учун кўплаб маблағлар ажратилмоқда. Бу ишдан саховатпеша ҳомийлар ҳам четада турмаяптилар.

## Муқаддас касбга доғ туширишди

**Баҳриддин АЗИЗОВ,**  
СВОЖЖДЛҚК департаментининг Қашқадарё вилоят бошқармаси бўлим бошлиғи

Шунингдек, таълим тизимидаги раҳбарлик лавозимига кадр танлашда пухта ўйланган усул амалга оширилади, ошқоралик таъминланади. Бироқ, айрим кимсалар раҳбар этиб тайинланганларидан кейин қонунбузарликка қўл урмоқдалар.

СВОЖЖДЛҚК департаментининг Қарши шаҳар бўлими томонидан фуқаро Д.Эгамовнинг аризаси юзасидан ўтказилган текширишда Қарши шаҳар халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимига қарашли умумтаълим мактабидир директор лавозимига ишлаган Курбоной Сафарова тамағирлик йўлига ўтгани аниқланди. У мактабнинг мусиқа фани ўқитувчиси Д.Эгамовдан 2012 йил август ойида 20 соат дарс қўшиб бериш эвазига 300 минг сўм пул сўраб, ундан аввал 200 минг сўм олади. Сентябрь ойида эса Д.Эгамова Қарши маданият коллежига ишга ўтганида, унинг меҳнат дафтарчасини коллежга ўтказиш эвазига 50 минг сўм пул талаб қилиб, ноябрь ойида 35 минг сўмлик ёғ ва мактабда ўтказилган шанбалик ишларига қатнашмаганлиги учун 100 минг сўм пул сўраб, 2013 йил апрель ойида 30 минг сўм микдориди пул ҳамда 40 минг сўмлик чинни идиш тўпламини пора тариқасида олади. К.Сафаровдан 30 минг сўм пул ҳамда 40 минг сўмлик чинни идиш тўплами ашёвий далил сифатида олинди.

Ушбу ҳолат юзасидан жиноят иши кўзгатилиб, суднинг тегишли қарори билан тамағир директор жазога тортилды.

Бундан ташқари, департаментнинг Шаҳрисабз туман бўлими ва туман ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимига қарашли Ахборот ресурслар маркази ходими Ҳ.Жўрақуловнинг аризасида келтирилган фактлар ўз исботини топди. Яъни Ахборот ресурслар маркази раҳбари У.Улуғов ва туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мудири ўринбосари И.Касимов ўзаро тил бириктириб, 2013 йил пилла ҳосили етиштириш бўйича марказга режа белгиламанган бўлса-да, гўё 10 қўти пилла курти боқиб бериш режаси тушгани ҳақида маълум қилишди. Шу тариқа марказ ходимларини алдаб, пилла курти боқиб бермаслик эвазига 20 минг сўмдан пул йиғиб бериш талабини қўйишди. Тезкор тадбирда Ахборот ресурслар маркази раҳбари У.Улуғов ўз хизмат хонасида Ҳ.Жўрақуловдан 255 минг сўмни олган вақтида ушланди.

Ўз навбатида марказ раҳбари У.Улуғов йиғилган пулдан 40 минг сўмни келишувга мувофиқ Шаҳрисабз туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мудири ўринбосари И.Касимовга бериши керак эди. Шунга асосан ўтказилган тадбирда бўлим мудири ўринбосари И.Касимов ўз хизмат хонасида У.Улуғовдан 342 минг сўм пулни олган вақтда ушланган. Ушбу ҳолат юзасидан жиноят иши кўзгатилиб, суд қарори билан айбдорлар тегишли жазога тортидилар.

Ҳалемай, Ўзбекистонда лишей, коллеж ҳамда олий ўқув юртралига кириш учун ҳужжат қабул қилиш бошланади. Албатта, бу даврда барча битирувчилар ҳаяжонли дақиқаларини бошлангачи кечиринг. Бойси, кимлар ёшлигидан қизиққан касбинни эгаллашга ҳаракат қилса, яна бошқа битирувчилар ўз билим даражаларига қараб касб танлашга ҳаракат қиладилар. Аммо айрим ёшлар ҳам бор, улар ота-оналари ҳамёни билан ўқишга киришни мақсад қилишади. Бундайлар ўз-ўзидан фибрибгарларга рўбарў бўлиб, натижада жабр чекиб қоладилар.

Тошкент Давлат педагогика университети қошидаги академик лицей директорининг ҳужалик ишлари бўйича ўринбосари лавозимига ишлаб келган Носир Боқиев (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ҳам ота-онанинг пулига ўқишга кирмоқчи бўлганларни ўз қармоғига илтиришга ҳаракат қилиб қўрди. У ўтган йилнинг июнь ойида жиизахлик Умар Мансуровнинг мактабини битирган жияни Санжар Мансуровни мазкур лицейга

## Ўз билиминг билан ўқишга кир!

**Шахриёр ФАЙЗИЕВ,**  
СВОЖЖДЛҚК департаментининг Тошкент шаҳар бошқармаси бўлим инспектори

"ўқишга киритиб қўяман" деб, фибрибгарлик йўли билан 500 АҚШ доллар пулини қўлга киритмоқчи бўлади. Н.Боқиев ваъдани қуюқ қилиб, У.Мансуровнинг ишончига қиради ва 2013 йилнинг 18 июни куни келишилган пулни олиб келишларини талаб қилади. Яхшиямки, У.Мансуров унинг фибрибгарлик қилаётганини вақтида тушуниб, керакли жойга ариза билан мурожаат қилди. Акс ҳолда, айни пайтгача пулни фибрибгардан ололмай, уни излаб, поабзалнинг таги едирилиб кетармиди.

Хуллас, келишилган куни Н.Боқиев ўзининг хизмат хонасида 500 АҚШ доллари олаётган вақтида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан ашёвий далил билан ушланган. Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди Н.Боқиевга қилмишига яраша жазо тайинлаб ҳукм чиқарди.

Хулоса қиладиган бўлсак, ҳозир-

ги замонда кучли билимга эга ва тиришқоқ ёшлар ҳар қандай билим даргоҳига бемалол қира олишларига асло шубҳа йўқ. Мактабдаги ўқишга панжа ортидан қараб, дарсларни астойдил ўзлаштиришга ҳаракат қилмаган ўқувчилар эса, олий ўқув юртралига, коллеж ва лицейларга кириш имтиҳонлари олтидан тушқунликка тушиб қоладилар-да, ота-оналарининг ҳамёнига ёпишадилар. Натижада уларни ҳам таъшишга қолдиришлари мумкин эмаслигини, фақатгина ўзининг билимига ишониб лозимлигини ёшлиқданок уларга ўқитиб боришлари керак.

## Қўштирноқ ичидаги тадбиркорлар

**Музаффар УМАРОВ,**  
СВОЖЖДЛҚК департаментининг бўлим катта инспектори

Иқтисодиётимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни ва мавқеи тобора ошиб бормоқда. Ишлаб чиқариш кўлами кенгайиб, аҳолининг турмуш фаровонлиги ортиб бораётти. Тадбиркорларнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган имконият ва имтиёзлар эса мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ривожланишини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Бу ўз навбатида, ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг ва истеъмолчиларнинг қонуний маънафини, қолаверса, муаллифлик ва турдош ҳуқуқларни ҳимоя қилишда муҳим омил вазифасини ўтаётти. Бироқ, жамиятимизда нуфузли корхоналар савдо белгиси остида ноқонуний равишда маҳсулот ишлаб чиқараётган фуқароларнинг учраб туришини ҳам рад этиб бўлмайди. Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаменти томонидан бундай қўштирноқ ичидаги тадбиркорларнинг ноқонуний қилмишлари фош қилиниб, сифатсиз маҳсулотларнинг аҳоли истеъмолига чиқарилиши ўз вақтида бартараф этилмоқда.

Департаментнинг Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан 2013 йил давомида тадбиркорлик субъектларининг мурожаатларига асосан ўтказилган тезкор тадбирларда фуқаро Аҳад Ҳожиев (исм-фамилиялар ўзгартирилган)нинг қинғир ишига нукта қўйилди.

Учтепа туманида яширин цех ташкил қилиб, бозорда муносиб ўринга эга бўлган, сифатли маҳсулотлари билан ном қозонган корхоналарнинг савдо белгиси остида ноқонуний равишда кир ювиш кўкунлари тайёрлаб келган.

Ўтган йилнинг 22 июли куни СВОЖЖДЛҚК департаментининг Зомин туман бўлими томонидан ўтказилган тезкор тадбирда "Янги ҳаёт" ҚФЙ Гуаистон кўчасидаги хонадонлардан бирида яшовчи фуқаро Эркин Тиягловнинг уйида 5600 килограмм карбамид минерал ўғити яшириб қўйилганлиги аниқланди.

## Ноқонуний хатти-ҳаракат фош этилди

**Отабек ҚУРБОНОВ,**  
СВОЖЖДЛҚК департаментининг Жиззах вилоят бошқармаси катта инспектори

Мазкур ҳолат бўйича дастлабки суриштирув ишлари ўтказилганда, Э.Тияглов ўзининг уйдан олинган минерал ўғитни қўшниси фуқаро И.Тўхтамишев вақтинчалик сақлаш учун қолдирганлигини айтган бўлса, И.Тўхтамишев эса минерал ўғитларни "Қишлоқхўжаликкимё" филиали марказий омор мудири У.Жумановдан сотиб олганлигини билдирган.

Бўлим томонидан ўтказилган суриштирув жараёнида Зомин "Қишлоқхўжаликкимё" филиали марказий омор мудири У.Жуманов филиалга қарашли шохбеча мудири Р.Сангиров билан ўзаро жиноий тил бириктириб, ўзининг жавобгарлигидан бўлган 3 млн. 324 минг сўмлик 5600 килограмм минерал ўғитни И.Тўхтамишевга 2 млн. сўмга сотиб юбориб, ушбу суммани ўзлаштиргани маълум бўлди.

Қилғиликни қилган икки мудар жиноятларини яшириш мақсадида 4 та қилбаки ҳисоб фактурани расмийлаштириб, ўзларида сақлаб келганлар.

Ушбу ҳолат юзасидан айбдорларга нисбатан суд ҳукми билан жазо муқаррарлиги таъминланди.

Яширин цех кўздан кечирилганда, тегишли ҳужжатлари бўлмаган жуда кўп микдордаги тайёр ва ярим тайёр кир ювиш кўкунлари, маҳсулотни тайёрлашда фойдаланиладиган қўлбола маҳсулотлар топилган.

Шунингдек, департаментнинг Тошкент вилоят бошқармаси ходимлари томонидан тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида 2013 йилнинг октябр ойида ўтказилган тезкор тадбирда Зангиота туманида яширин цех ташкил қилиб, ишбилармонликни ўзибилармонлик деб тушунган фуқароларнинг қилмишлари фош этилди. Гап шундаки, фуқаролар Эркин Файзиев ҳамда Бахтижон Муъидиновлар уйларида турли қимёвий моддалардан фойдаланиб, санитария талабларига умуман жавоб бермайдиган шароитда, қўлбола тарзда кир ювиш кўкунларини тайёрлаш билан шугулланиб келишган.

Хуриёна фаолиятни ўзига касб қилган, енгил йўллар билан мўмай даромад топиш илн-жида бўлган ҳуқуқбузарлар қонунда назарда тутилган жавобгарликка тортилдилар. Санитария талабларига зид равишда ишлаб чиқарилган бундай қўлбола маҳсулотлар соғломга чиқиб кетганда, қанчандан-қанча фуқароларнинг соғлиғига зарар етиши мумкин эди. Яхши ҳамки, бу каби ҳолатларга ўз вақтида барҳам берилди. Агар бу йигитлар тегишли тартибда рўйхатдан ўтиб, қонунчилик талабларига амал қилганларида эди, бутун ҳам ўзларига, ҳам жамиятга фойда келтираётган бўлар эдилар.

## Тамағир раис

**Ориф НАСИРОВ,**  
СВОЖЖДЛҚК департаментининг Томди туман бўлими суриштирувчиси

Томди туман ҳокимлигидан юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтиб, фаолият кўрсатиб келаётган "Томди-Жаннати" деҳқон ҳўжалиги раҳбари Зоҳид Наширов тегишли идора-ларга ариза билан мурожаат қилиб, "Восход" боғдорчилик жамияти раиси Раваҳан Турдиев (исм-фамилияси ўзгартирилган) "Томди-Жаннати" деҳқон ҳўжалигига қарашли суғориладиган боққа сув бериш эвазига 2013 йилнинг июль ойларида 1200,0 минг сўмни тамағирлик йўли билан пора тариқасида беришни талаб қилиб келаётганлигини, шундан 100,0 минг сўмни олганлигини, қолган 1100,0 минг сўмни ҳам беришни талаб қилаётганлигини кўрсатиб, унга нисбатан қонуний чора қўришни сўраган.

Департаментнинг Навоий вилоят бошқармаси, Томди туман бўлими ва бошқа идора ходимлари билан ҳамкорликда ўтказилган тезкор тадбирда Р.Турдиев фуқаро З.Нашировдан 1100,0 минг сўм пулни тамағирлик йўли билан олган вақтда ушланди.

Ушбу ҳолат юзасидан департаментнинг Томди туман бўлими томонидан жиноят иши кўзгатилиб, Мазкур иш жиноят ишлари бўйича Зарафшон шаҳар суди томонидан қўриб чиқилиб, судланувчи Раваҳан Турдиевга нисбатан 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланганиди. Шунингдек, у 2 йил муддатга мансабдорлик ишларидан ишлаш ҳуқуқидан ҳам маҳрум қилинди.



## Тадбиркорликка оид ислохотларни амалиётга татбиқ этиш

/Давоми. Бошланиши 3-бетда/

б) тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги лицензияланадиган фаолиятнинг ва рухсат этиш характерига эга ҳужжатларнинг 11 таси бирлаштириш эвазига бекор қилинмоқда;

в) рухсат этиш характерига эга ҳужжатларнинг 14 тури ва лицензияланадиган фаолиятнинг 7 тури бўйича расмийлаштириш муддатлари янада қисқартирилмоқда;

г) лицензияланадиган фаолиятнинг 5 тури бепул ва 6 тури бўйича расмийлаштириш йиғимлари миқдорлари ЭКОИХнинг 1 баравари миқдоригача қисқартирилмоқда;

д) рухсат этиш характерига эга ҳужжатлар ва лицензияланадиган фаолият турларининг 31 таси бўйича рухсат олиш тартиботлари қисқартирилмоқда ва содда-лаштирилмоқда.


Албатта, ислохотлар жараёнида амалга оширилган ҳуқуқий янгиланишларни амалга татбиқ этишда қонунлар ижроси устидан прокурор назорати алоҳида аҳамиятга эгадир.

Прокурор назоратининг мақсад ва вазифалари қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустақамлашдан ташқари, фуқароларнинг Конституцияда белгиланган ҳуқуқ ва эркинликлари, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳуқуқларини ҳам ҳимоя қилади. Хусусан, Наманган вилоят прокуратураси органлари томонидан ҳуқуқий ислохотлар жараёнида тадбиркорлик фаолиятига оид қабул қилинган қонунлар ҳамда Бош прокурорнинг 2011 йил 9 февралдаги "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини кучайтириш тўғрисида"ги буйруғи талабларидан келиб чиққан ҳолда, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқий ҳимоялаш, уларнинг фаолиятига ноқонуний аралашувларнинг олдини олиш, текширишларни камайитириш, турли тўсиқ ва суиистеъмолчиликларга барҳам беришга қаратилган муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Назорат тадбирлари давомида тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва эркинликларини бузиш, уларга турли бюрократик тўсиқлар яратиш, фаолиятига асосиз аралашуш каби қонунбузилишга йўл қўйилган ҳолатларни бартаф эйтиш бўйича тегишли чоралар кўрилмоқда.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан ўтказилган текширишлар якунига кўра, аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартаф эйтиш ҳақида жойларга 71 та тақдимнома киритилди. Ноконуний қарорларга нисбатан 128 та протест келтирилди, 116 нафар мансабдор шахс интизомий, 65 нафари маъмурий ва 1 нафари моддий жавобгарликка тортилди. Қўпол қонунбузилиш ҳолати юзасидан 3 та жиноят иши кўзгатилди. Текширишлар давомида 683 нафар шахсининг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Албатта, бу вазифаларни амалга оширишда прокуратура органлари суд ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, назорат қилувчи органлар билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Чунки, бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган ҳуқуқий ислохотларнинг самарадорлиги прокуратура, адлия ва бошқа давлат органлари вакилларининг ўзларига ўқлатилган вазифаларни қандай бажараётганига боғлиқ бўлиб қолди. Шундай бўлса-да, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, балки уларнинг вакили бўлган бошқа мутасадди идоралар ҳам ўзларининг фаолиятларини кучайтириб, тадбиркорларнинг ҳуқуқий саводхонлигини янада ошириш масаласига аҳамият беришлари лозим. Зеро, ҳуқуқий онги, саводи юқори бўлган тадбиркоргина ўз ҳуқуқини ҳимоя қила олади ва унинг бузилишининг олдини олади. Бундай тадбиркорлар ўз фаолиятида ҳам қонунбузарлик ҳолатларига йўл қўймасликка ҳаракат қилади.



## Контракция шартномасини бузганлик учун фуқаролик — ҳуқуқий жавобгарлик

*Маълумки, бозор иқтисодиёти шароитида энг кўп тузиладиган ҳужалик шартномалардан бири бу контракция шартномаларидир. Бу шартнома асосан қишлоқ ҳужалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари билан тайёрлов ташкилотлари ўртасида тузилади. Бунга мувофиқ, қишлоқ ҳужалик маҳсулотини қайта ишлаш ёки сотиш учун бундай маҳсулотни харид қиладиган шахсга — тайёрловчи шартлашган муддатла топшириш мажбуриятини олади, тайёрловчи эса бу маҳсулотни қабул қилиш, унинг ҳақини шартлашган муддатла муайян баҳола тўлаш мажбуриятини олади.*

Фуркат ШОДМАНОВ,

Бош прокуратуранинг ОУК катта ўқитувчиси

**К**онтракция шартномасига нисбатан маҳсулот етказиб бериш шартномаси тўғрисидаги қоидалар, тегишли ҳолларда эса давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб беришга доир давлат контрактни тўғрисидаги қоидалар қўлланилади.

Контракция шартномаси билан давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш юзасидан давлат контракт ўртасида фарқ мавжуд.

Давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш юзасидан давлат контракт бўйича маҳсулот етказиб берувчи давлат буюртмачисига ёки унинг кўрсатмасига биноан маҳсулот етказиб бериш шартномаси асосида бошқа шахсга шартлашган муддатда товарлар етказиб бериши, давлат буюртмачиси эса, етказиб берилган товарлар ҳақи белгиланган муддатда тўлашишни таъминлашни ўз зиммасига олади.

Давлат контрактни тузиш учун тегишли давлат органлари томонидан тузилган ҳамда ҳуқуқат томонидан тасдиқланган буюртма асос бўлиб хизмат қилади.

Қишлоқ ҳужалик маҳсулотларини харид қилиш бўйича муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 сентябрдаги қарори билан тасдиқланган "Қишлоқ ҳужалиги маҳсулотлари етиштирувчилар билан тайёрлов, хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасида шартномалар тузиш, уларни рўйхатдан ўтказиш, бажариш, шунингдек уларнинг бажарилиши мониторингини олиб бериш тартиби тўғрисида"ги Низом ва бошқа амалдаги қонунчиликка мувофиқ тартибга солинади. Мазкур Низомга асосан контракция шартномаси барча турдаги қишлоқ ҳужалик маҳсулотларини сотиб олишга оид муносабатларга татбиқ қилинади. Баъзи асосий турдаги маҳсулотлар бўйича маълум миқдорда давлат буюртмачисига асосан топшириш ҳам контракция шартномаси тузиш йўли билан амалга оширилади.

Гарчи, Фуқаролик кодекси ва контракция шартномасини тузиш тўғрисидаги Низомда шартнома тарафларининг ўзаро масъулиятлари аниқ ва қатъий белгиланган, шартнома шартларини сўзсиз бажариш-

лари кўрсатилган бўлса-да, юқоридая айтиб ўтилган нуқсон ва камчиликлар ҳозиргача учраб туради.

Контракция шартномасини тузиш ва уни бажариш юзасидан учрайдиган бу каби нуқсон ва камчиликларни бартаф эйтишда фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик жазо чораларини қўллаш самарали воситалардан ҳисобланади. Шу билан бирга, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик шартнома тарафларининг бузилган ҳуқуқларини тиклашга, кўрилган зарарларини ўринини қоплашга ёрдам беради.

Низомга кўра контракция шартномаси тузиш ва уни бажаришда юзага келадиган ҳуқуқбузарликлар учун қуйидаги фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик чоралари қўлланилиши мумкинлиги белгиланган.

Бундай ҳуқуқбузарликдан бири контракция шартномасини тузиш муддатини ўтказиб юбориш ёки уни тузишдан асосиз бўйин товлашидир. Низомда кўрсатилишича, қишлоқ ҳужалиги маҳсулотларини контракция шартномасида белгиланган асортимент ва турларда, муддатларда топширишдан асосиз бўйин товланган ҳужалик тайёрловчи топширилмаган маҳсулот қийматининг 25 фоизи миқдорда жарима тўлайди. Жарима миқдори ўтган давр (ой, чорак, йил)да маҳсулотнинг шакланган ўртача нархидан келиб чиқиб, харид нархларига белгиланган устамалар тўлашни ҳисобга олмасдан ҳисоблаб чиқилади. Бундан ташқари, зарарнинг маҳсулот етказиб берилмаганлиги тўғрисида ҳисобга келган, жарима билан қопланмаган қисми ҳам тўланади.

Фуқаролик ҳуқуқбузарликлардан яна бири маҳсулотни шартномада белгиланган асортимент ва турларда, муддатларда топширишдан асосиз бўйин товланган ҳисобланади. Низомга кўра, қишлоқ ҳужалиги маҳсулотини контракция шартномасида белгиланган асортимент, турлар ва муддатларда қабул қилиб олиш рад этилган ҳар бир ҳолат учун тайёрлов ташкилоти ҳужаликка белгиланган устамалар тўлашни ҳисобга олмасдан шакланган ўртача нархдан келиб чиқиб қабул қилинмаган маҳсулот қийматининг 25 фоизи миқдорда жарима тўлайди, тез бузи-

лувчи маҳсулот бўйича эса — унинг тўлиқ қийматини тўлайди. Бундан ташқари, маҳсулотни қабул қилиш рад этилганлиги тўғрисида ҳужалик кўрган зарарнинг жарима билан қопланмаган қисми ҳам тўланади.

Контракция шартномасига мувофиқ топширилган (юқлаб жўнатилган) қишлоқ ҳужалиги маҳсулотини учун ҳақ тўлашдан асосиз бош тортилганда (ҳужаликка тегишли суммаларни, белгиланган устамаларни ҳам қўшиб, ўз вақтида ҳисоблаб ўтказмаганлик, ҳисоб-китобларнинг ақцепт шаклида эса тўлов топшириги ақцептини асосиз тўлиқ ёки қисман рад этганда) тайёрлов устамаларни ҳам қўшиб, ўз вақтида ҳисоблаб ўтказмаганлик, ҳисоб-китобларнинг ақцепт шаклида эса тўлов топшириги ақцептини асосиз тўлиқ ёки қисман рад этганда) тайёрлов ташкилоти ҳужаликка тўланмаган суммани, шунингдек ўзи тўлашдан бош тортган сумманинг 15 фоизи миқдоридagi жаримани тўлайди. Тайёрлов ташкилоти жаримадан ташқари ҳужаликка муводати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун қонунда белгиланган тартибда пеня ҳам тўлайди.

Яна бир ҳуқуқбузарлик тури ҳужалик стандарт талабларига жавоб берадиган идиш ва тараларни шартномада белгиланган миқдор ва муддатда етказиб бермасликдир. Маълумки, тайёрлов ташкилоти ҳужаликни шартномада келишилган идиш, ўраш материаллари билан таъминлашлари керак. Низомда кўрсатилишича, тайёрлов ташкилоти мазкур талабни бузганлиги учун ҳужаликка етказиб берилмаган идиш, ўраш материалларининг етказиб бериш вақтида амалда бўлган қийматининг 2 баравари миқдорда жарима тўлайди. Агарда бундай талабнинг бажарилмаганлиги маҳсулот сифатининг пасайишига ёки тез бузулувчи маҳсулотнинг бузилишига олиб келган бўлса, тайёрлов ташкилоти ҳужаликка кўрилган зарарнинг жарима билан қопланмаган қисмининг ҳам тўлайди. Бунда ҳужалик сифатсиз қишлоқ ҳужалиги маҳсулотлари етказиб берилганлиги учун жавобгарликдан озод қилинади.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, контракция шартномаси муносабатларида фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни қўллашнинг аҳамияти катта бўлиб, у шартнома томонлари кўрган зарар ҳамда шартнома шартлари тўла ва тўғри бажарилганда олдиниши мумкин бўлган, лекин олинмай қолинган фойданинг ўринини қоплашда, шартнома шартларини бажаришда томонларнинг масъулиятини оширишда, маҳсулот етказувида ва тайёрловчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим рол ўйнайди.

# «Борингга шукур, эски анҳор!»

"Уйшун" қишлоғи ҳудудидан оқиб ўтадиган канални чироқчиликлар "Эски анҳор" деган ном билан атайдилар. Далалар-у боғ-роғлар унинг сувидан баҳраманд. Баъзи-баъзида ана шу канал бўйида пайдо бўлиб қоладиган ва соҳил ёқалаб "юриш" қиладиган одамни уйшунликлар яхши танийдилар. Унга дуч келган айримлар юз йил кўрмаган қадрдонини учратиб қолгандек, қучоқ очиб қарши олсалар, баъзилар тезгина кўздан пана бўлиб, дарвозаларини беркитиб оладилар. Канал бўйлаб юриш бу кишига ҳар сафар дурустгина даромад келтиради. Уни зўр балиқчи бўлса керак, деб ўйлангангиз, хато қиласиз. У Чирочқи туман электр тармоқлари корхонасида назоратчи бўлиб ишлайди. Қишлоқ аҳли унга Бўрон ака ёки Бўрон Раҳмонов, деб мурожаат қилади.

электр насослар ишламаса, бу пуллар қайда эди! Назоратчи фуқаролардан пулни ундириб оларкан, яна ўша, "Ўзим тўлаб қўяман", деган гапни қайта-қайта такрорлар ва бу билан уларни хотиржам қиларди. Аммо фуқаролардан йиғиб олинган пулларни у керакли идорага, яъни туман электр тармоқлари корхонаси хазинасига топширмадан, ўз эҳтиёжи учун сарфлаб юборди.

**Ўткир ҲОШИМОВ,**  
Чирочқи туман прокурори ёрдамчиси  
**Норбўта ҲОЗИЕВ,**  
«Huquq»

Ўтган йилнинг май ойида назоратчи Бўрон Раҳмонов яна канал бўйида пайдо бўлди. Бу даврда деҳқончилик экинларини сугориш ишлари бошланиб кетган бўлиб, шу қилмоқда яшовчи Аллаёр Сафаров ҳам каналдан махсус электр мослама орқали сув тортиб, томорқасини сугорайтган эди. Назоратчи бундай паллада қонунни рўқач қилишни ҳам, "нарушение" қилаётган кишининг юрагига ваҳима солишни ҳам яхши биларди. Шу боис, синовдан ўтган усулларини ишга солиб, Аллаёр Сафаровдан июнь-июль ойлари учун 160 миң сўм ундириди ва "Борингга шукур, эски анҳор!" дея юришда давом этди. Пулни оларкан, албатта, "Ўзим тўлаб қўяман", деган гапни айтишни унутмади. Назоратчи кўп юрмай, яна «қармоқ» ташлади. Бу сафар қармоқча фуқаро Умир Эрнарзоров илинди. Унинг электр энергияси

билан ишлайдиган сув насоси ҳам канал сувини "париллаб" тортиб, томорқага узатаётган эди. Б.Раҳмоновнинг кайфияти кўтарилиб кетди. Гарчи унга электр тўловлари учун аҳолидан пул олиш ваколати берилмаган бўлса-да, кўлга тушган «ўлжа» ундан осонликча қутулиб кета олмасди. Умир Эрнарзоров ҳам айтилган миқдордаги пулни беришдан ўзга чора тополмади.

Эски анҳор мавжланиб оқар, назоратчи эса унга умид билан боқар ва соҳил бўйлаб юришни давом эттирарди. Иш бароридан келиб, ўша кунги фуқаро Жумабой Элмуродов, Межроҳ Ҳуқумов, Соҳиб Каримов, Сафар Бекмуродов ва Усмон Шаймановларнинг ҳар биридан 2013 йилнинг июнь-июль ойлари учун 160 миң сўмдан пул олишга эришган назоратчининг чўнтаги анчагина қалпайиб қолди. Канал бўлма-са, унда сув мавжланиб оқиб турмаса-ю,

Баъзида ўз вазифасига лоқайдлик билан қарайдиган кишиларнинг масъулиятсизлиги оқибатида давлат мулки талон-торож қилинади. Тувал Холмуродов ҳам фуқароларнинг электр қувватидан қонунга зид равишда фойдаланиб келаятганликларини кўриб-билиб турар, аммо лозим даражада назорат қилмасди. Қинғир йўллар билан бўлса ҳам озми-кўпми чўнтагига пул тушаётганидан мамнун ҳолда эски анҳорнинг борлигига шукур қилиб келарди. Хуллас, у ҳам "ўз ишига пухта" кишилар жумласидан эди.

Жиноят ишлари бўйича Чирочқи туман судининг ажримига кўра, Бўрон Раҳмонов ва Тувал Холмуродовларнинг жиноят иши амниятига акти талаблари доирасига тушганлиги сабабли ҳамда айбдор деб саналганларнинг аризаси асосида, уларнинг айблилиқ масаласи ҳал этилмасдан тугатилди. Тарафларга етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириш юзасидан келгусида фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилди.

Кечиримлик ва багрикенгликни тўғри тушуниб, қилмишидан пушаймон бўлган одам учун бу катта ҳаёт мактабидир.

## Ҳавойи ваъда...

Назарали (исм-фамилиялар ўзгартирилган) бундан аввал ҳам қинғир ишга қўл урган ва амнистия актига кўра жазодан озод қилинган эди. Аммо тўғри йўлдан бориш ўрнига иккинчи бор жавобгарликка тортилиб, жазо ўташга мажбур бўлди. Афсуски, у учинчи марта ҳам қалтис йўлга қадам қўйди — нафси соҳибидан устун чиққанлиги боис, уни надомат томон етаклади...

**Сардорбек РЕЖАББОВЕВ,**  
Андижон вилоят прокуратураси бўлим прокурори

Эртадан-кечгача бекор юриш жонига теккан Назарали кунлардан бирида сафарга тайёргарлик кўра бошлади. Кўп ўтмай Қозоғистон Республикасига чиқиб кетди. Ўзга юртда Назарали Абай исмли кимса билан танишди. Абай қирқ беш ёшлардаги, ўзига тўқ йигит бўлиб, "Болтасафар" номли қурилиш фирмасига раҳбарлик қилар экан. Беш-олти ойдан кейин Абай унга маслаҳат қолди.

— Менга қара, ишлар жуда кўпайиб кетди, ёрдамнинг керак. Агар беш-ўнта ишчи топиб берсанг, катта иш қилган бўлардинг. Йигитларингиз ўзим рози қиламан...

— Ҳаракат қиламан. Назарали шундай деди-ю, бирдан унинг фикри ўзгариб қолди. Шайтон васвасасига учиб, ҳамма ишини йиғиштирди-да, тезда ортига — қишлоққа қайтди. "Энди одам топши керак, — уйларди у. — Кимларни олиб борсам экан?"

Уша кунлари ҳамқишлоғи Аббосни учратиб қолди. Эски қадрдонлар кўришиб, у ёқ-бу ёқдан хангома қилишди.

— Нега кўринмай кетдинг? — сўради Назарали.

— Қоровуллик қилаётгандим, тўғри келмади. Ҳозир бекорчиман, — деди Аббос.

Бу гап Назаралини хушёр торттирди.

— Қозоғистонга олиб кетсам, ишлайсанми? — сўради у.

Ошнасанинг ўйлалиб қолганини кўриб, гапида давом этди. — Нега иккиланасан? Шароит зўр. Иссиқ овқат, яхши ётоқхона, тайёр ойлик! Биласанми, ояйга бир ярим миллионни кўртдек санаб олаверасан.

Аббос унинг ёлгон ва ҳавойи ваъдаларига ишонди. Кўз олди-

дан катта пуллар ўтиб, ўзича аллақандай режаларни чамалай бошлади ва таклифга розилик билдирди. Назарали бор "маҳорат"ини ишга солиб, Шахрихонда истиқомат қилувчи яна беш нафар фуқаронинг қўлини пуч ёнгоққа тўлдирди. Уларга турли-туман ваъдалар бериб, шу тариха ишончига кирди.

...Нихот, Қозоғистонга борадиган кун ҳам келди. Ҳамроҳлар бир жойга йиғилгач, Назарали шерикларининг паспортларини расмийлаштириш ва бохжонада тасдиқлаштириш баҳонаси билан йиғиштириб олиб, чўнтагига жойлади. "Мана энди тақдирларинг менинг қўлимда, ҳеч қачонга қочиб қутулолмайсанлар", деган ўй ўти унинг кўнглидан.

Шундай бўлди ҳам. Назарали шерикларини Қозоғистонга олиб ўтиб, Абайнинг қўлига топширди. Бироқ, дастлабки кунлардан оқ йиғитлар алданишганини ҳис этдилар. Бу ерда ҳеч қандай шароит йўқ, ишлар меҳнат қонунчилигига зид, оғир шароитда борарди.

— Назарали бизни алдабди, — деди йиғитлардан бири.

— Ўзи оёғим тортмайгина келгандим, — деди иккинчиси.

Бу ҳақда Назаралига айтшганда, у:

— Яқинда бошқа объектда иш бошлайсизлар, у ердаги шароит бу ерга қараганда анча яхши, — дея йиғитларга таскин берган бўлди.

Бироқ бу гаплар ҳам ҳавойи ваъда эканлиги кўпга бормай аён бўлди. Икки ой ўтди ҳамки, йиғитларнинг қўли пул қўрмади — улар мажбурий оғир меҳнатга жалб қилин-

дилар. Кўп ўтмай Аббоснинг саломатлиги панд берди. Бу ҳақда Назаралига айтганди, ижобий жавоб ололмади. Ахйири бир амаллаб ватанига қайтиб келди.

Олдиндан ҳар бир ишчи учун 10 миң ва қурилиш фирмасига ишчи олиб келгани учун 45 миңдан қозоқ тенгесини санаб олган Назаралининг ишчиларнинг қийналгани билан иши йўқ эди. Айнан шу иш унга ташвиш келтирди. Учинчи марта жиноят кўчасига кириб, номақбул йўл тутган, ўз ҳамюртларини алдаб, оғир меҳнатга жалб қилган ва инсоний ҳақ-ҳуқуқларини поймол этган Назаралининг қилмишлари жиноят ишлари бўйича Шахрихон туман судида кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига кўра айбдор деб топилган Назарали Акрамовга нисбатан тўрт йилга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди. Кўриниб турибдики, кимки ўзгалар ҳисобига бойлик орттиришни кўзласа, албатта, адашади. Қолаверса, ўз фойдасини кўзлаб, ўзгаларни учинчи бир шахсга қўл қилиб бериш инсонийлик йўриғига тўғри келмайдиган ҳолатдир. Қонунчилигимиз бугунги кунда одам савдосига қарши кескин кураш олиб бормоқда. Шундай экан, ҳар бир киши ақл ва қонун доирасида иш қилса, охири бахайр бўлаверади.



Халқимизда «Кўр кўрни қоронғуда топибми», деган гап бор. Бу самарқандлик Илҳом Сарваров, опа-акалар Сурхон Абдурахмонов, Оқила Абдурахмоновларнинг бухоролик жиний шериклари Эркин Нарзуллаев ва Бахтиёр Соибовларга айтмаган бўлса, ажаб эмас.

## Жиноят занжири

**Олим МИРЗАЕВ,**  
Бухоро вилоят прокуратураси бўлим катта прокурори

Ўтган йилнинг март ойи бошларида ўз жиний мақсадлари йўлида юрган Сурхон ва Оқила бухоролик Бахтиёр Соибов билан танишиб қолди. Янги танишган бўлишига қарамай Сурхон Бахтиёрдан "героин" топиб беришни илтимос қилди. Муқаддам бир неча марта судланди ҳам кўзи очилмаган Б.Соибов бу масалада ўйлаб ҳам ўтирмай рози бўлди. "Харидор"ларини куттиришни истамаган Б.Соибов Ургут тумани Жарқушлоқ ва Мўминобод қишлоқлари кесилмасида айтилган "заказ"ни етказди. Улар захри қотилини 3 миллион 600 миң сўмга сотиб олишди. Сўнг "савдогарлар" товарни Бухоро шаҳрида Эркин Нарзуллаевга 4 миллион 800 миң сўмга сотадилар. Бу ишлари омадли кечган "савдогарлар" Самарқанд билан Бухоро ўртасида воситачиликни йўлга қўйдилар. Илҳом Сарваров ҳам бу тармоқда фаол иштирок этди. Улар "героин"ни олиб, Бухорода пуллашга киришиб кетишди. Мўмай даромад ариқдан оқиб келгандай келиб турган, Бухоро билан Самарқанд ўртасидаги масофа бир қадам бўлди. Бироқ, кўп вақт ўтмай нафси ҳақалак отган кимсаларнинг кирдикорлари фош этилди.

Суд тергови жараёнида бу кимсалар Шерхон Абдурахмоновнинг оғир хасталиги-ю, жиноят кўчасига адашиб кириб қолганликларини важ қилиб қўрсатишга уринишди. Аммо, қонуннинг кўзи ўткир, уни алдаб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг тегишли моддалари билан айбдор деб топилган Илҳом Сарваров 11 йил, Сурхон Абдурахмонов 10 йил, Оқила Абдурахмонова 7 йил, Эркин Нарзуллаев 8 йил муддатга озодликдан маҳрум этилдилар.

Зора, панжара ортида ўтказилмайдиган йиллар бу кимсаларнинг маънавий қўрликка маҳкум этилган қалб кўзларини очса. Аммо ортда қолган фарзандлар, яқинларнинг маънавий жароҳатини вақт даволай олармикан.



